

---

---

# **ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ**

(ИНТЕРФАОЛ ДАРСЛАР)

**ИННОВАЦИОН ЖАРАЁН**



АЛИЯ МАМАТКАЗИНА  
АБДУНАЗАР САЛОМОВ  
ФАЙЗУЛЛА БОЙНАЗАРОВ

**ЯНГИ ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯ  
АСОСЛАРИ**

(ИНТЕРФАОЛ ДАРСЛАР)

**ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНИ**

*ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 2007*

**Тақризчилар:**

**Умрзоқ Жуманазаров** – филология ғаллари доктори, профессор,  
**Юсуф Ҳамдамов** – ҳалқаро ANTIQUE WORLD илмий  
академиясининг профессори.

**Масъул мұхаррір:**

**Карим Норматов** – тарих ғаллари доктори, профессор.

*Мұхаррір М. Асқор  
Бадий мұхаррір Х. Сафаралиев*

Теришга берилди 05.02.2007 й. Босишига рухсат  
этілди 04.05.2007 й. Бічими 84×108 1/32. Офсет босма  
усулида чоп этилди. Шартли босма табоги 4,0. Нашр  
табоги 3,5. Адади 4000 нұсха. Буюртма № 53.

МЧЖ «Ношир» босмахонасида чоп этилди.

Шартнома № 18.

Тошкент, 100129, Навоий қўчаси, 30.

Пастки савдо растанаси.

© С. Сафаева, Ф. Бойназаров, 2007.

© Фалсафа ва ҳукуқ институти нашриёти, 2007.

## **ЛОЙИХА РЕЖА:**

1. Янги замонавий технология дарси давр талаби.
2. Ўқитувчи нутқида янги педагогик технология усуллари.
3. Интерфаол дарсининг ўзига хос тамойиллари.
4. Ўқитувчининг ўз нутқини ва ўзгалар муносабатини кузатиши.
5. Ҳисоблаш технологияси дарсида нутқ.
6. Инновацион дарсда чизма, шакл, тасвир, кўргазмалардан фойдаланиш.
7. «Диаграмма вена» таққосалаш, қиёслов дарси.
8. Кластр усулида мунозара ва муаммоли саводлар.
9. Дарсда муаммоли вазиятни юзага келтириши.
10. Интерфаол дарслар – янги педагогик технология асоси.
11. Бир соатлик дарсда барча ўқувчиларнинг билимини баҳолашга эришиш.
12. «Ақдий ҳужум» усулининг мезонлари.
13. 6х6х6 усули дарснинг ҳастийлигини таъминлайди.
14. Янги педагогик технология дарсининг афзалликлари.

Демократик ислоҳотлар йўлига қадам қўйган мустақил Ўзбекистон Республикасига ўқимишли, ҳар томонлама стук, баркамол фуқаролар керак. Айнан, «Шахс» тушунчаси миллий таълим (модификация)нинг шакл ва шамоилида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дарсга замонавий талаблар асосида ёндашишни талаб этади.

Шахсни тарбиялаш – «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да Республика таълим ходимлари зиммасига ўта масъулиятни вазифалар юклайди. Бу вазифани амалга ошириш жараёни ўқувчиларни ўқитишга янгича ёндашиш, ўқитувчиларни ўз касбига ва ўзгаларга, яъни таълим олувчиларга ўта талабчанлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Педагогик жарабённинг эскириб қолган технологиясини янгисига алмаштириш, замонавий мактабга давр талаблари асосида ёндашиш, дарсга эса янгича усулларнинг лойиҳасини татбиқ этиш асосий вазифалардан бирига айланмоқда.

Янги педагогик технологиянинг афзаллиги замон синовидан ўтиб, интерфаол дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлиги ўз исботини толмоқда.

Бу боради анча-мунча тажриба тўплаган тадқиқотчилар педагогик технология дарсининг муваффақиятларини кафолатловчи омил эканлигини таъкидлаб, педагогик жараёнларни илмий лойиҳалаштириш, уни амалга ошириш, лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнини амалиётга аниқ ва кетма-кет татбиқ қилиш» хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини омманинг диққат-эътиборига ҳавола этаётir.

Ушбу ишнинг юзага келишида Ж. Ф. Йўлдошев, У. Толипов, Н. Үуломова, Ю. Амиржонова, Д. Нуриддинова, М. Очилов, Т. Сайдов, М. Х. Усмонбобоева каби педагог олимларнинг интерфаол дарслар ҳақидаги илмий-назарий ва амалий-методик қарашлари, тажриба ва изланишлари самараси бўлган тадқиқотлари муҳим асос ва омил бўлди.

Педагогик технология амалиётда бажариладиган маълум педагогик тизим лойиҳаси эканлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади. Одатда дарсда кўп гапирамиз, назарий тушунчалар берамиз, бироқ бераётган таълимимизнинг натижаси ҳақида ўйламаймиз, узундан-узоқ қылган вазъхонлигимиз ўқувчи ёки талабаларимизнинг хотирасида мустаҳкам сақланиб қолаяпдими, уларнинг руҳиятига таъсир қилувчи қандай воситаларни қўллаяпмиз, назарияни амалиёт билан қай даражада боғлаяпмиз, бу ҳақда ўйлаб кўришнинг мавриди стиб келмадимикан деб ўйланиб қоламиз. Дарс жараённан мавзуни таҳлил қилиш, жисм ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи таҳлил ёрдамида воқеа-ҳодисаларни қисмларга ажратиб, томонларни фикран бирлаштириб, бир бутун ҳолига келтириб нутқда ифодалайди. Таҳлил ва таққослаш узвий боғлиқдир. Синтезли таҳлил жараёни мавзу ёки воқеа-ҳодисаларни қисмларга бўлиб, яъни фикран бирлаштиришдир. Интерфаол дарсларида масаланинг мана шу томони янада равшанлашади ва синтез усули энг қулай дарс жараёнини таъминлайди.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқнинг тўғрилиги, алоқавий маҳоратнинг талабаларга таъсири, педагогик нутқ техникасини эгалланганлик даражаси ўз навбатида янги алоқавий технологияга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу жараён ўқитувчи фаолияти ва услубиятининг турли кўринишлари орқали амалга оширилади. Педагогик фаолият шакллари ўқитувчининг талаблар асосида маъруза, амалий машғулот давомида ҳикоя, **ДВКИН** сұхбат, мулоқот-мунозара дарсларида намоён бўлади.

Технология түшүнчеси педагогика фани, ишлаб чыкариш соҳаларига нисбатан анча кеңг қўлланилиб. «Технология» сўзи юнонча *techne* – сънат, *logos* – маҳорат деган мазмунни англатади. Олимларнинг таъкидлашича, «технология» атамаси «бала шахсига таъсир кўрсатиш санъати»га эътибор қаратилиб, ҳар бир даврда ўзига хос замонавийлик қасб этиб, янгиланиб, такомиллашиб келган. «Педагогик технология» атамасини ўқитиши, таълим бериш жараёнидаги педагогик маҳорат, санъат деб тушуниш мумкин. Ҳар қандай фаолият ё технология, ё санъат бўлиши мумкин. Санъат ички ҳиссиётга, технология эга фанга асосланади. Шундай бўлсада, технология луғавий маънода маҳорат түшүнчесига яқин бўлиб, маҳорат дарс ўтишнинг ҳам, санъатнинг ҳам, фаннинг ҳам мевасидир. Мантиқшунослар ҳар қандай маҳорат кўринишида ички ҳиссиёт, ҳис-ҳаяжон, сезги мужассам бўлади деб уқтирадилар.

Санъат индивидуал маҳорат бўлиб, технологиялар ҳамма даврларда ҳам устиворлик қасб этиб келган. Ҳар бир заргарнинг ўзига хос иш услуби, усуслари ва воситалари мавжуд бўлган. У тақинчоқ ясаш жараёнини бошдан охиригача бир ўзи бажарган. Бу ишнинг икир-чикиригача яхши билган, узоқ вақт давомида тайёрлаган маҳсулоти сифатли бўлган. Маҳсулотни тайёрлашнинг асосида заргарнинг ички өзегилари, маҳорати, ҳиссиётлари намоён этилган.

Турли-туман технологиялар, индивидуал маҳорат, жамоа, маҳоратига ўз ўрнини бўшатиб берган. Технология кўплаб қасб эгаларининг тўплаган маҳорати йигиндиси, мажмуи, яъни жамоа маҳоратидир. Технология кўпгина афзалликларга эга бўлиб, ижодиёт, ҳис, сезги, санъат кўринишиларини ўзида мужассам этади.

Технология янгича усувлар ва воситалар тизими бўлиб, маълум фаолиятнинг олдиндан белгиланган натижаларини намоён қиласди. Бу иборани таълим мезонига боғлаб изоҳламоқчи бўлсак, дарснинг микдор ва сифат жиҳатидан муваффақиятли чиқишини кафолатлайди. Технологик жараённинг яхши натижа, самара беришини олдиндан пухта лойиҳалаштириш ва амалга ошириш, унинг мужасамлигига боғлиқ. Технология усувларини дарс жараённiga тадбиқ этиш кўп жиҳатдан муҳит, шароит, кўнкима ва кузатишлар билан боғлиқдир. Турли хил усувларга дастлаб кўникиш, ўрганиш бир қадар қийин кечади. Аввал бошда ўқитувчидаги ҳам педагогик маҳорат этишмай, қийин вазиятга тушиб қолиши табиий бир ҳол. Кейинчалик дарснинг натижаси самарадорликга олиб келади, интерфаол дарснинг афзаллиги ўз-ўзидан намоён бўла бошлайди.

Янги педагогик технологияга кўра, талабанинг билим олишдаги мустақиллигини ошириш, мустақил фаолиятини ташкил этиш йўли

билин тил ва нутқий таълим самараадорлигига эришиш, ривожлантирувчи таълим моҳиятини руёбга чиқариш, талабаларниңг мустақил ўқиб-ўрганишини таъминлаш мумкин. Шундагина ўқитувчи ўзининг билими ва нутқий малакаси қай савияда эканлигидан, ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фаннинг турли соҳалари бўйича билимини янада ошириш учун хизмат қиласидаган таълим мазмунини қидиради, билимларни ўзлаштириш учун маъруза ёки амалий машғулотларида тортишув, баҳс ва мунозара олиб боришнинг ўзи учун қулай йўлларини танлайди.

Ўқитувчини маърузага технологик ва методик жиҳатдан тайёрлаш, ақлий ривожланиш, ўқитишни фаоллаштириш, янги ўқитиш технологияси билан қуроллантириш жараёни узоқ ва тинимсиз изланишларни талаб этади.

1. Тахтилни ва ўзига талабчанликни кучайтиради.
2. Муаммоларниңг ечимини осонлаштиради.
3. Қиёсий тахтил, шарҳлаб ўрганиш қулай усул.
4. Образларни қиёслаш.
5. Шеърларни қиёслаш.
6. Адиблар иходини қиёслаш.
7. Даврни қиёслаш.
8. Тарихий жараённи қиёслаш.
9. Ёзувчининг услубий, тасвирий воситаларини қиёслаш.
10. Асарнинг замонавийлиги, тарихийлиги тўғрисида баҳс туғдириш.
11. Образга нисбатан муносабат ва мустақил фикрлар.
12. Асар тизимининг ўзига хослиги ҳақидаги баҳслар.
13. Асар мазмунини қайта ҳикоя қилишда таққослаш ва муқоясалаш усули.
14. «Диаграмма вена» усулида икки асар ёки икки образни қиёслаб, жадвалга солиши.

Педагог муваффақиятининг сири нафақат у қўллаётган технологияларда, балки педагог-тарбиячи сифатидаги маҳоратида, болалар қалбига йўл топа олишида кўринади. Ҳар бир ўқитувчининг у қандай технологияни қўлламасин, педагогик муомаласи бетакрордир. Чунки ҳар қандай технология жонли, ҳиссиятларга тўла инсоний муносабатлар, педагогик муомала ҳамда маҳоратнинг ўрнини боса олмайди.

Бошқа ўкув машғулотларида билим бериш устивор бўлса, адабиётда ўкувчининг қалб кўри, туйғулари билан ҳис қилиш, тасаввур этиш кучаяди. Бола учун адабий жараён, унинг илмий-назарий асосларни ёки қандайдир саналарни ёд билиши мухим эмас. Бу нарса

умри давомида керак бўлмаслиги ҳам мумкин. Унга шундай нарса бериш керакки, ўша нарсасиз бутун, ҳозир яаш мумкин бўлмасин ва шу билганига доимо, узок йиллардан сўнг ҳам қайта-қайта мурожаат этиб, хаёлан боғланиб юрсин. Дарсда шундай муаммоли вазиатларни юзага келтириш ўқитувчининг маҳоратига боғлик.

1. Дидактик жараёнлар, ташкилий шакллар, ўқитишга муносабат.
2. Дидактик таълим маънавият ва маърифатининг асоси.
3. Дарснинг инновацион тамойиллари.
4. Ҳамкорлик педагогикаси асосида тарбияга ёндашув.
5. Ҳамкорлик педагогикасида тарбия жараённинг мураккаблиги.
6. Ҳамкорлик педагогикасида ҳар бир ўкувчи ўзини шахс деб билиши.
7. Ўкувчиларда кичик қобициятлардан тортиб улғайиши ва камол топишида ўқитувчининг нутқий фаоллиги.
8. Руҳшунослик нуқтаи назаридан шахс ривожланишининг жамият билан боғликлиги ва узвийлиги.
9. Анъанавий педагогикада дарснинг 5 элементли босқичини таҳлил қилиш.
10. Ностандарт ва интерфаол дарс шакллари.

Инсоннинг ўзлиги, ўз моҳияти дунёга, ҳаётга, табиатга, одамларга меҳр-муҳаббат асосида ўз оламини, яъни гўзаллик қонунларига мувофиқ бўлган оламни яратни олишида кўринади. Бусиз маънавий етук инсонни шакллантириб бўлмайди. Мана шу оламнинг яратилишида муаллимнинг ўрни бекиёс. Ўқитувчи тарихнинг асосий ижодкорини, яратувчисини, яратувчиси эканлигини аңглаб етган ва муҳими ўз ватани, унинг тараққиёти учун масъул инсонни тайёрлайди. Ҳаётни, одамларни, дунёни севувчи, ижодкор инсонни шакллантириш жараёнини бошқаради. Жараён маҳорат билан бошқарилса, инсоннинг ўзлигини англаш учун негиз яратилади, бериладиган билимлар эса асосий воситалар ҳисобланади. Агар шундай бўлмаса, таълим ўзининг асл қимматини йўқотади. Агар педагогик технология шахсга таъсир кўрсатиш санъати маъносини англатса, адабиёт ҳам худди шу вазифани бажаради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дарснинг ижодкори, у тайёр технологияларнинг оддий ижрочисига айланмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз йўлини, изланиши ва заковатини намоён этиб, фаолиятга киришиши лозим.

«Заргарнинг ўз хунарига ишқи, – деб ёзган эди Жалолиддин Румий, – модданинг ҳақиқий сифатларини англашга, бинобарин, унга ишлов беришнинг усул ва воситаларини эгаллаб олишга етаклайди. Бу жараён заргар учун ўз-ўзини англаш жараёни ҳамdir».

Инсон қайси қасб соҳиби бўлишидан қатъи назар ўз ишига, машгулотига қунт билан, меҳр билан ёндашса, унинг бутун сир-асориини, усул воситаларини мукаммал эгаллайди, шу билан бирга ўз-ўзини англайди, шу соҳада камол топади. Ўқитувчи кимни ўстирса, тарбияласа ўзи ҳам ўсади, улгаяди, донишмандлик қасб эта боради.

Ўқитувчи ҳар бир асар матнни юзасидан дарсликда берилган савол-топшириқтар ёрдамида ўкувчи ёки талабаларнинг ҳар бирини ўз даражасида фикрлашга, ҳаётий ҳақиқатни асар таҳлили давомида ўзи қашф этишига имкон яратиши керак. Дарсда ўкувчи ёки ўқитувчи томонидан мантиқнинг қайта хикояланиш ҳоллари, яъни тақрорлаш усуслари ҳам бўлиши мумкин. Бундай усул билимни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Хикоялаш қайта-қайта тақрорланаверса тингловчининг баъдига тегади. Инсон эзгу ниятлари, орзуларини ёзувчи истеъод ва таланти орқали ифодалаб рӯёбга чиқаради. Уни шундайлигича ўкувчи қалбига етказиши ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.

Савол бериш ҳам санъат бўлиб, ўқитувчи буни чукур англаши ва ўкувчиларга ҳам сингдириши лозим. Жўяли саволда қандайдир тушуниб етилмаган теранлик бўлиб, ўкувчиларни изланишга, асар мутолаасига чорлади.

Замонавий технология ҳақидаги фикримизни давом эттирас эканмиз, унинг афзалликлари, ўзига хос услубий йўналишларини аниқроқ изоҳлаб олишимизга тўғри келади. Бу ўринда қуйидагича изоҳлар билан тўқиаш келамиз.

1. Замонавий технология дарсининг олдига қўйган асосий муаммо ва тамойилидир.
2. Янги педагогик технологиянинг тътириф ва тавсифи.
3. Тадқиқотчи олимларнинг тажрибалари асосида ёзилган педагогик тәхнология хусусидаги тадқиқотлар.
4. Янги педагогик технология дарсида ўқитувчи усуllibарида нутқининг ўрни.
5. Инсониятнинг тарихий тараққиётида нутқий билимга бўлган эҳтиёж.
6. Интерфаол дарсни ташкил этишда ўқитувчининг нотиқлик маҳорати.
7. Панднома-дидактика асосида таълим-тарбияга ёндошув.
8. Ўкувчиларни танлаш эмас, ўқитиш керак.
9. Ўқитиш мақсадлари жамият ва даврнинг талаби.
10. Ўқитиш мазмуни ва режалари давлат таълим стандартида белгилаб бўрилган.

Шундай ҳолатлар бўладики, дарс давомида ўринли-ўринсиз равишда қўпладб үсул ва методлар қалашиб кетади. Натижада, асарнииг

бадиияти, жозибаси хиралашыб қолади, таъсир кучи камаяди. Адабиёт дарсларида асосан сўзнинг кучига, қудратига таяниш, фойдаланадиган усуllар мана шу мақсадга омухта бўлиб, сингиб кетадиган бўлсагина, уни қўллаш яхши самара бериши мумкин.

Ўқитувчининг рамзлар, ишоралар, шама, қочиrimлар, истиоралардан фойдалана олиши, нутқ оҳангига, сўз жозибасига эътибор бериши ва ифодали ўқиш санъатини эгаллаши катта маҳоратни (технологияни) талаб этади. Таълим технологияси педагог фаолиятини, дарс жараёнини ташкил этиш ва олиб боришини тўлиқ амалга оширишидир. Шунинг учун ҳам дарсларнинг мақсад ва вазифалари доимо ўқитувчининг дикқат марказида турмоги керак.

Сўз ва грамматик воситаларни изоҳ берган ҳолда нутқда олиб кириш замонавий технологияга сайқал бағишлади. Нутқ соф бўлиши учун ҳаракат асосан ўқитувчи нутқида ўз аксини топиши керак. Ўқитувчи интерфаол дарс жараёнида ўқувчининг дикқат марказида бўлади ва унинг барча айтган сўзлари қандай бўлса шундайлигича уларга етиб боради. Агар ўқитувчи юқоридаги унсурларга аҳамият бермаса, ўқувчилар билимига, тафаккурига, характерига салбий таъсир қилиши мумкин. Ўқитувчи нутқ борасида ҳаммага ўрнак бўлиб, ўз маҳоратини, инновацион усуllарни маҳорат билан намойиш этади.

Кўпинча талабаларнинг ўз шевасига хос сўзларни дарс мобайнида ишлатиши ҳолларини учратамиз. Бу ўзи ўқиган ўрта мактабларда ўқитувчининг адабий тил нормаларига эътибор бериб дарс ўтмаганилигидан дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам бўлажак ёш ўқитувчи ёки талабанинг янги педагогик технология асосида дарс ўтиш маҳоратини олий мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Бундай талабалар адабий тилдаги профессор-ўқитувчи маъруза нутқидаги баъзи сўз ва ибораларга тушунмай қолиш ҳолатлари ҳам бўлади.

Шунинг учун нутқнинг тўғрилигига ва софлиги даражасига ўрта мактабдаёқ эътибор бериш керак. Мактаб раҳбарияти, ўқитувчилари бу масалага масъулият билан қараши лозим бўлади.

Фикрни давлат тилида мустақил, тушунарли ва аниқ, таъсирли, мантиқий баён этиши малакаси ва кўникмасини эгаллаш, ўқитувчи нутқ маданияти таълими мазмунидаги янги педагогик технология дарси жараёнида амалга оширилади.

Янги педагогик технологиядан кутилган мақсад нима, унинг афзаликлари, дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат деган саволга кўйидагича ҳосилалар асосида жавоб бериш мумкин.

1. Янги педагогик технология энг қулай ва содда усул.
2. Мустақил фикрлашни ўргатади.
3. Күп тармоқли.
4. Содда, осон.
5. Эсда қолиши кучли.
6. Билим бойлигини оширади.
7. Вақтдан ютамиз.
8. Қызықарлы ўтади.
9. Дарснинг самарадорлигини оширади.
10. Дунёқараашни оширади.
11. Тафаккурни ривожлантиради.
12. Ўқувчиларнинг дикқат-эътиборини тортади.
13. Ҳар бир ўқувчи билан индивидуал муносабат пайдо бўлади.
14. Хотирани кучайтиради.
15. Изланишга чорлайди.
16. Ўқувчиларни ўз устида ишлашга даъват этади.

Руҳ – (лотинча – spiritus) тадқиқотчилар руҳни кенг маънода онг тушунчасига, тор маънода тафаккурга боғлаб таҳлил қиласилар. Амалий ва назарий фаолиятининг бирлиги деб турлича изоҳ бериб келинмоқда. Файласуфлар инсоннинг руҳияти, жамият руҳияти деган лугавий маъноларни ҳам таҳлил қиласилар. Социологлар жамиятда, маълум бир даврдаги руҳий ҳолатни атрофлича ўрганиб халқнинг, одамларнинг маълум бир муҳим нарса ва ҳодисага муносабатини белгилаб берадилар. Инсон руҳияти қурдатли куч, таъсир кўрсатувчи энг муҳим восита.

Руҳ бошқа бир маънода инсон ўлгандан сўнг танадан ажралиб чикувчи бир фаний аъзо деб қарайдилар. Бу ўринда биз руҳ тушунчасининг дарс жараённида ва умуман инсон фаолиятида муҳим ўрин тутиши ҳақида тўхталиб, руҳ тушунчасини руҳият-психология билан боғлаб ўрганиш мақсадида таърифини келтириб ўтмоқдамиз.

Янги педагогик технология «Ўқитувчининг нутқ маданияти» фанини ўқитиши методларини янада тақомиллаштиришга ёрдам бериб, дарсга янгича усувлар асосида ёндашувни таъминлайди. Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай қисқа вақт ичida юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муйайн назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан амалий қўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ўқувчи ёки талабалар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, қўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан

юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда тўпланган тажрибалар, интерфаол услублар янги асосда дарсни ташкил этиш жараёнида педагогик технология катта самара беради. Республиқамиз таълим тизимида интерфаол методлар, дарсга янги педагогик технология асосида ёндашув, таълим-тарбия жараёнида назарий ва амалий билимларни беришнинг янгича шакли жорий этилган.

«Фикрий ҳужум» («Мозговая атака») методи ўқувчи ёки талабаларнинг машгулот жараёнидаги фаоллигини таъминлаб, эркин фикр юритишга ўргатади. Ўқувчиларни мустақил фикрлаш, муайян мавзуни муҳокама қилишга, янги муаммоларни келтириб чиқаришга, ижодкорликка етаклайди. Кўндаланг турган масалани ҳал этиш, ечиш жараёнини осонлаштиради. Дарс жараёнида ўртага ташланган савол ва унинг жавоблари луқма ва ҳазил-мутойибалардан иборат бўлиб, баҳс-мунозара машгулотида ўқувчи ёки талабанинг эркин иштироқини оширади. Таълим жараёнида ушбу методдан самарали ва муваффақиятли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати тафаккур кўлами кенглигига боғлиқдир. «Фикрий ҳужум» методидан фойдаланиш чоғида ўқувчи ёки талабалар сони 15 нафардан ошмаслиги лозим.

Янги педагогик технология асосида дарсни ташкил этиш қадимги шарқона тарбия тамойилларидан бутунлай воз кечиши деган гап эмас. Янги педагогик технология гарб таълим жараёнининг энг илгор тамойиллари бўлсада, шарқона анъаналар, панднома-дидактик руҳида тарбияни кучайтириши ҳамма вақт миллий тарбиямизнинг асосини ташкил этади.

#### Дидактика-панднома:

1. Одамларнинг яхшилигини, ўз яхшилигинг билан аралаштирма.
2. Бойлигинг миқдорини дўсту душманга билдириш.
3. Қариндошни қариндошдан айирма.
4. Яхши одамни гийбат билан ёд қилма.
5. Фақат ўзингни ўйлама.

Дарс жараёнида қисқа дақиқа тўхталиш (пауза) сақлаб, шу хилдаги пандномаларни изоҳлаб ўтиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

«Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методи. Мазкур метод Е.А.Александров томонидан асосланган, Г. Я. Буги томонидан қайта ишланган. «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методининг моҳияти синфда муайян топшириқларини бажарувчи ўқувчи ёки талабанинг фикри-

ни ва мuloҳоза имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Ўкувчи ёки талаба ўртага ташланган фикрга қарши ўз гояси ва муносабатини билдириши, мақсадини юзага чиқариши мумкин. Машгулот бир неча босқичда ташкил этилади. Руҳий жиҳатдан муносабатлари яқин, сон жиҳатидан тенг бўлган ўкувчи ёки талабаларни ўзида бириктирган кичик гуруҳларни шакллантиради. Гуруҳларга топширилган вазифа ёки топшириқларнинг моҳияти, мақсадларини аниқлаш ва атрофлича ўрганиш. Гуруҳ аъзоларининг муайян гояларини таҳлил қилиб берган топшириқларнинг натижаларини ечиш, ҳал этиш. Топшириқлар ечимларини мұхокама қылтиб, уларни тўғри ҳал этиб, туркүмларга ажратиш. Топшириқ ечимларини қайта туркүмлаштириш, ечимини топиш учун сарфланган вақт, ечимларнинг аниқ, равшанлигини баён этиш ва маълум мезонлар асосида баҳолаш. Дастлабки босқичларда топшириқ ечимлари юзасидан билдирилган муайян танқидий мулҳазаларни мұхокама этиш, улар устидан хукм чиқариш ва маълум бир тўхтамга келиш.

**бхбх методи** гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаоллик, ўз фикрини ифода этиш, гуруҳдошларининг фикрларини тинглаш ва тандай олиш, ўртага ташланаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Ушбу методни 5,6,7 ва ҳатто 8 нафар ўкувчи ёки талабадан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин.

бхбх методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик ва нутқий педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантирила олиш лаёкатига эга бўлишни талаб этиади. Гуруҳларни тўғри шакллантирмаслик топшириқ ёки вазифаларни тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. бхбх методи ёрдамида машгулотлар қўйидаги тартибида ташкил этилади.

1. Ўқитувчи машгулот бошланишида 6 тадан стул қўйиб чиқади:
2. Ўкувчилар машгулот бошланишида 6 та гуруҳга бўлинади.
3. Таълим оловчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машгулот мавзусини эълон қиласи ҳамда гуруҳларга муайян топшириқлар юкланади.
4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради.
5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради.

«Ақлий ҳужум» методи муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этища кенг қўлланиладиган метод саналиб, машгулот иш-

тирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томондама фикр юритишидир. Шунингдек, ўз тасаввурлари ва гояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўнишка ҳамда малакаларни ҳосил қиласи.

Ушбу метод ёрдамида ташкил этилган машгулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча муҳим жумбоқларнинг ечимларини топиш имконияти туғилади. «Ақлий ҳужум» методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни англаш, айни вақтда уларга муқобил гояларни танлаш учун шароит яратади. Машгулотлар жараёнида «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланишда бир неча қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Машгулот иштирокчиларини муаммо даврасида кенг фикр юритиш, улар қобилиятини чархлашга, мантиқий фикр юритишга ундаш. Ҳар бир ўқувчи ёки талаба томонидан билдирилаётган фикр ёки гоялар мазмуни ва миқдори аниқданиб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари, фикрларни баҳолаб бориш, яъни рағбатлантириш навбатдаги янги фикр ёки гояларнинг туғилишига олиб келади. Ҳар бир ўқувчи ёки талаба ўзининг шахсий фикр ва гояларига асосланган ҳолда уларни ўзлаштириши мумкин. Аввал билдирилган фикрларнинг умумлаштирилиши, туркумлаштирилиши ёки уларни ўзлаштириш, илмий асосланган фикрларни шакллантиришга замин ҳозирлайди. Ўқувчи ёки талабаларнинг ҳар қандай фаолиятларини маълум жорий талаблар асосида назорат қилиш назарда тутилсада, бироқ билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикрлари баҳолаб бориладиган бўлса, ўқувчи ёки талабалар ўз дикқатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга киришиб кетиб, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайди ҳамда вақтдан ютқазади. Мазкур методни қўллашдан асосий мақсад ўқувчи ёки талабаларни муаммо хусусида кенг ўйлаш, фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик. Машгулот жараёнида ушбу методдан самарали фойдаланиш мақсадида қўйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

1. Машгулот иштирокчиларининг ўзларини эркин тутишларига шароит яратиб бериш.
2. Гояларни ёзиб бориш учун ёзув тахтасини ёки варақларни тайёрлаб қўйиш.
3. Муаммони аниқлаш.
4. Машгулот жараёнида амал қилиш лозим бўлган шароитларни белгилаш, синфнинг руҳий даражасини ўрганиш ва ҳолатта муносабат:
  - А). Талаба ёки ўқувчилар томонидан билдирилган ҳар қандай гоя баҳоланмайди.

Б). Талаба ёки ўқувчилар мустакил фикр юритишлари, шахсий фикр билдириши учун қулай руҳий-психологик муҳит яратилади.

В). Гояларнинг турлича ва кўп микдорда бўлишга аҳамият қаратилади.

Г). Бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни ёдда сақлаш, уларнинг фикрларига таянган ҳолда муносабатини изоҳлаб, янги фикрларни билдириш, билдирилган фикрлар асосида муайян хуло-саларга келиш каби ҳаракатларнинг ўқувчи ёки талабалар томонидан содир этилишига эришиш.

5. Билдирилаётган гояларни ўқувчи ёки талабалар томонидан асосланишга эришиш ва уларни ёзib бориши.

6. Муайян қофоз вараклари гоялар билан тўлгандан сўнг, уларни ёзув тахтага осиб қўйиш.

7. Билдирилган фикрларни аниқ муносабат ва янги гоялар билан бойитиш асосида кувватлаш.

8. Бошқалар томонидан билдирилган ҳар бир фикр устидан назорат ўрнатиш, уларга нисбатан ҳимояли шарҳлар ва шартлар билдиришга йўл қўймаслик.

9. Ўқувчи ёки талабалар томонидан янги гояларни билдириш давом этар экан, муаммонинг ягона ечимини топиб эълон қилишга имконият яратиш.

**Кластр методи** педагогик, дидактик таълимнинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчи ёки талабаларга ихтиёрий муаммолар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил гоялар ўртасидаги ўзаро алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилmani аниқлашни талаб этади.

Кластр методи аниқ нарсага йўналтирилган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш таомойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчи ёки талабалар томонидан чукур ҳамда пухта ўзлаштирилгунинг қадар фикрлаш фаолиятини таъминлашга хизмат қилаади.

Фоясига мувофиқ ишлаб чиқилган Кластр методи пухта ўйланган тактика бўлиб, ундан ўқувчи ёки талабалар билан якка тартибда ёки гурӯҳ асосида ташкил этиладиган машгулотлар жараённида фойдаланиш мумкин. Синф ўқувчилари асосида ташкил этилаётган машгулот гурӯҳ аъзолари томонидан билдирилаётган гояларнинг мажмуаси тарзида намоён бўлади.

Кластр методидан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

1. Нимани ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизнинг тўғрилиги ёки сифати тўғрисида ўйлаб ўтирай, уларни шунчаки ёзиб боринг.
2. Ёзувнинг орфографияси, пунктацияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг.
3. Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддатда бирор-бир фояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини, тасвир ёки шакллар чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги фоя туғилгунча давом эттиринг.
4. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги фояларни илгари суреб, мазкур фоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғликларни кўрсатишга ҳаракат қилинг.

**«Диаграмма вена»** қиёсий таҳлилда жуда қўл келиб, мавзуни шарҳлаб, икки муаммони бир-бирига муқояса қилиб ўтишда қулай усуллар. Бу усул икки доира шаклидаги айланна чизиқларнинг қўшилиши ҳолатида бўлиб доираларнинг икки тарафига ёзувчи ҳаёти, асар ёки образларига оид фақат ўзига хос индивидуал ҳолатларга тегишли манбалар, рақамлар, саналар, белгилар ёзилиб, ўртада икки доиранинг қўшилиши натижасида пайдо бўлган бўшлиқда эса икки адаб, асар ёки образга хос турли фикрлар, фоялар кўринишӣ изоҳлаб борилади. Бир қараашда оддийдек туюлган бу усул ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини оширади, хотирани кучайтиради. У ёки бу мавзу устида мустақил ишлашга ундейди. Икки мавзунинг умумий ва индивидуал, яъни фақат ўзига хос томонларини тез фарқлайди. Мавзу тез ва узоқ вақт эсда қолади. «Диаграмма вена» ўқувчи ни хушёрликка, сезгириликка чорлайди. Ўқувчилар 4–5 тадан уч гуруҳга, жами 15 тага ажратилади. 1-гуруҳ доиранинг ўнг томони, 2-гуруҳ доиранинг чап томони, 3-гуруҳ икки доиранинг қўшилишидан пайдо бўлган бўшлиқ устида ишлайди. Мавзуни кенг қамровли ўзлаштириб олишга кўмаклашади. Гуруҳдаги қолган ўқувчилар эса кузатувчилардир, яъни «Диаграмма вена» устида ишлаётган 3 гуруҳнинг ҳаракатларини кузатадилар. Ҳатто баҳолашлари ҳам мумкин. Дарс, мавзу, ҳаракатлар узоқ вақт эсда сақланиб қолади. «Диаграмма вена» турли хил фоя, фикрлар кураши ва ҳужумини, мунозараларни келтириб чиқаради. Ўқувчиларни ўйлантиради, мустақил фикрлашга ундейди.

Бугун таълим-тарбия жараёнини давр талабларига мос равищда амалга оширишнинг энг зарур омили бўлган замонавий дарснинг ҳар бири ўқувчи-ёшлар учун ўзига хос қувонч доирасига, ҳар бир таълим даргоҳи эса шодлик масканига айланиши лозим. Хусусан, дарсга ишонч билан келиб, ўз ўқитувчисини алоҳида ҳурмат ва эъзоз.

билин кутиб олиш туйғусини шакллантириш бүгунги күн таълимтарбия жараёнининг асосий мезонлари дандир. Ўқитувчи дарс пайтида ўқувчиларга түғри йўл-йўриқ бериб турса, ўзлаштириши қийин бўлган болалар фаол иштирокчига айланганини ўзлари билмай қоладилар.

Ишлаб чиқариш саноати, бизнес олами, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ёш авлоднинг ўз ўрнини топа олиши, ўзлигини тарбиялашда тадбиркорлик ва ищбайлармонлик ўйинлари шаклида ўтказиладиган дарсларнинг аҳамияти каттадир.

Бошқа фанлар каби адабиёт дарсларида бу нарса ўзгача маъно касб этади. Адабиёт бошқа фанлардан фарқ қилиб, санъат сифатида инсон руҳияти, хис-туйғулари, тафаккурини, маънавий дунёсини бойитишда энг кучли восита бўлиб хизмат қиласиди. Интерфаол дарсларда ижодиёт, хис-туйғу, сезги, идрок, фаоллашади. Дарс руҳияти образлар ва тасвирлар, қизиқарли кўргазма иборалар ўқувчиларни хис-туйғулари орқали билишга, тафаккур қилишга, гўзалликни кўра олишга, дунёга бўлган муносабатини шакллантиришга имкон яратади.

«Бозор иқтисоди» билан боғлиқ даврда болаларни бизнесга ўргатишнинг ҳам аҳамияти каттадир. Зоро, болалар эртанги кунда мустақил ҳаётга қадам қўйганларида турли хил ҳаёт тўсикларига дуч келадилар. Ана шу мақсадда «Ақлий ҳужум» услугини қўллаган ҳолда, ноанъянавий услубда ўтказилган «Кичик ва ўрта бизнеснинг афзаликлари ва муаммолари» мавзусидаги дарс ишланмасини тажриба алмашиш мақсадида кўриб чиқинг.

Мавзу: «Кичик ва ўрта бизнеснинг афзаликлари ва муаммолари».

Дарс мақсадлари: а) ўқувчиларга кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик асослари бўлган, хусусан Узбекистондаги бизнес йўналишлари ҳақида билим бериш; б) ўқувчиларга таққослаш, англаш, мустақил фикрлашни ўргатиш; в) бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг талаблари, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг республикамиз халқ хўжалиги учун аҳамияти борасидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Дарснинг бориши:

1. Дарснинг ташкилий қисми – 3 дақиқа.
2. Ақлий ҳужум – 20 дақиқа.
3. Англаш дарсликлар билан ишлаш (интер услубда) – 30 дақиқа.
4. Фикр юритиш – 10 дақиқа.
5. Янги мавзуни мустаҳкамлаш – 7 дақиқа.
6. Дарс якуни, уйга вазифа («Бизнес режа» тузиб келиш) – 5 дақиқа.
7. Баҳоларни изоҳлаш – 5 дақиқа.

Дарснинг ташкилий қисми – ўқувчилар билан саломлашгандан сўнг, улар 6 кишилик 4 та гуруҳга бўлинади.

Услуксиз таълим тизимида турли мазмундаги мулоқотни ташкил этиш жараёнининг миллий асослари ва мазкур жараёнда умуминсоний қадриятлар устиворлиги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий тамойиллариданdir.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий, иктиносодий ва маданий ривожланишининг маънавий-ахлоқий асослари, ўқитувчининг ҳамкаслари, ўқувчilar, жамоат ташкилотларининг вакиллари ва отоналари билан мулоқот каби глобаллашув асосидаги педагогик ҳамкорлик, бу борада муаммоларни ечиш, шу куннинг асосий масалалариданdir.

Шарқ мутафаккирлари Юсуф Ҳожиб, Кайковус, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навбий, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг ижодий меросларини тарбия воситаси сифатида қабул қилиб, уларнинг фикрларига таяниб, дарснинг мазмундорлигини ошириш, янги педагогик технология – ўқитувчи маҳоратининг етакчи омиллариданdir.

Ўқитувчи маҳорати, мулоқот ва муомала маданияти билангина муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Бундай пайтда уч асосий фактор: мактаб, оила, муҳит муҳим ўрин тутади. Муносабатга киришиш маҳорати, уларни эгаллашга қўйиладиган талаблар илғор фикрларни намойиш этиш янги педагогик технология дарснинг асосий талаблариданdir.

Юнон ва рим файласуфлари Сүкрот, Платон (Афлотун), Демосфен, Аристотель (Арасту), Цицерон ва бошқаларнинг асарларида педагоглар ва уларнинг нотиқлик санъати тўғрисидаги гоялар илғари сурилган бўлиб, педагогик маҳоратнинг тамал тошлари ҳисобланади.

Ўқитувчи, унинг касбий тайёргарлиги ҳамда педагогик маҳоратининг таълим-тарбия ривожидаги алоҳида ўрни борасидаги қарашлар, ҳар бир ўқитувчининг билиши лозим бўлган назарий билимлари мажмуасини ташкил этади.

Бир соатлик илм ўрганиши уч кунлик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган рўздан афзаллар, деб донолар бекорга уқтиришмаган. Шундай экан ҳар бир ўқитувчи ўз зиммасига юклangan бурч ва вазифани чуқур англаб етган ҳолда, ниҳоятда хайрли ишга қўл урганини ҳис қилиши лозимдир.

Педагогик тизим инсониятнинг ривожланиши давомида ўсиб келаётган авлодни ўқитишига ва тарбиялашга бўлган заруратдир. Демак, бу жараённинг қадимданоқ тизими бўлиб, ҳар бир давр учун ўзининг, давр талабларига жавоб берувчи тизими бўлган.

Ҳар қандай педагогик тизим қўйидаги ўзаро боғләнган мажмуудан иборат:

1. Ўқувчилар (кимни ўқитиш лозим).
2. Ўқитиш мақсадлари (німа учун, қай мақсадда ўқитиш).
3. Ўқитиш мазмұни (нимани ўқитиш).
4. Дидактик жараёнлар.
5. Ўқитишинг техник воситалари.
6. Ўқитишинг ташкилий шакллари.

Ўқитувчи-мураббийлар таълим тизимиға янғи педагогик технологияни олиб кириб, миллий дидактикализни бой беріб қўймаяпмизми, деган саволлар билан мурожаат қилишади. Миллий қадриятларимиз, шарқона дидактик аңъаналаримиз ҳамма вақт дарснинг марказий жараёни бўлиб қолаверади.

Хар қандай дидактик вазифа тегишли ўқитиш технологияси ёрдамида ечилади.

Дидактика моҳиятига кўра хилма-хил ва ранг-барангдир. У ҳар бир ўқувчи ёки талаба (кимни ўқитиш?) ақлий, психологик хусусиятларидан, ижтимоий мавқеидан қатъи назар ўқигани келган, демак, ҳар қандай болани ўқитиш шарт.

Ҳар бир дидактик вазифани тегишли технология, яъни дидактик жараёнлар, ташкилий шакллар ўқитувчининг ўқувчиларни ўқитиш жараёнларига муносабатини замонавий дарс ўтиш орқали ечилади.

Бугун республика маърифатпарварлари олдига қўйилган дидактик вазифа – бу шахсни тарбиялаш. Ўқитиш ва тарбияга шахсий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндашишдир.

Мактабга шунчаки ўқувчилар эмас, балки шахслар келадилар. Уларнинг ҳар бири мактабга ўқитувчининг дунёқарашидан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган ўз ҳис-туйгулар ва кечинмалар дунёсини олиб киради. Дарслар ва ишларга кўмилиб кетган ўқитувчи ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашишни тўла амалга ошира олмайди.

Шу жиҳатдан янғи педагогик технологиянинг оммавий ўқитиш ва омавий кузатиш, амалий назорат методи кўпгина муаммоларни ечиб беради. 1986 йили «Ўқитувчи газетаси» саҳифаларида новатор ўқитувчилар Й. Н. Ильин, С. Н. Лесинкова, Ш. А. Амонашвили ва бошқаларнинг «Ҳамкорлик педагогикаси» номли декларатияси босилиб чиққач, педагогик жамоатчилик ўқувчига янгича шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш муаммосини муҳокамага кўйди.

Ҳамкорлик педагогикаси «болага бошқалар сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, худди шундай муносабатда бўл», деган масала билан ёндашмоқда.

Шу маънода Абу Али ибн Сино (Авеценна) асарларида куйидаги сўзлар мавжуд: «Инсонга, бошқалар сенга қандай муносабатда бўли-

шини истасанг, худди шундай муносабатда бўл», дея таъкидлаб ўтилган. Библияда ҳам худди шунга ўхшаш – маънодош фикрни учратамиз.

Айнан шундай ёндашиш, шахсий ёндашиш деб аталади. Ҳар бир киши – бу шахс, жумладан, мактаб ўқувчиси ёки таълаба ҳам ўзини улуғвор мақсадлар, юксак орзуласидан чўққисида ҳис этади. Эҳтимол, ўқувчи ёки талабанинг эзгу ниятлари таълим берётган мураббийсиникидан ҳам юксакроқдир. Буни ҳар биримиз унутмаслигимиз лозим.

Ўқитиш ва тарбияга шахсий ёндашишни эълон қилувчи ҳамкорлик педагогикаси болаларни ўқишга жалб қилишга, ўқитувчи ва болаларнинг ҳамкорликдаги меҳнатига алоҳида эътибор берганлиги билан илгариги анъанавий педагогикадан фарқ қиласди.

«Ялти фикрий ҳужум» методи. Мазкур метод Е.А.Александров томонидан асосланган, Г. Я. Буги томонидан қайта ишланиб, бойитилган. Бу методни 20,40 ва 60 нафар ўқувчи ёки талабадан иборат гурӯҳда қўллаш мумкин. Ушбу метод ўқувчиларининг янги ғоя ва янги фикрларини ўртага ташлашга ўргатади. Талабаларни 5 ёки 6 нафардан гурӯҳларга бўлиб, 15 дақиқа ичидага ўртага ташланган савол ёки муаммони ечиш топшириғи берилади. Савол ва шартга асосланган муаммо юзасидан ҳар ким ўзининг мустақил фикрини билдириши, масалага ҳар ким ўзича ижодий ёндашиши мумкин. Муаммони ечиш учун берилган вақт тугагунча ҳар бир гурӯҳ муаммонинг ечими юзасидан ахборот беради. Ўқитувчи муаммонинг ечими юзасидан ўз хуносасини айтиб, гурӯҳ аъзоларининг фаолиятини баҳолайди. Машғулот якунида ўқитувчи берган савол ёки топшириқ юзасидан билдирилган жавобларнинг энг яхшиси ва ўзига хос ижодкорини эълон қиласди.

Ҳамкорлик педагогикаси ўқувчини муваффақият сари йўналтириши, ўзига ишонтириши, ўқишга ўргатиши, мустақил фикрлашга ундаши, бундан ташқари, унинг орқада қолишига ва орқада қолганини сезишига йўл қўймасликка қаратилган.

В. А. Сухомлинскийнинг шундай сўзлари бор: «... бола ўзлаштириши, яхши ўқиши учун орқада қолмаслиги, яхши ўқиши лозим. Лекин бу пародоксдек туйилаётган ҳолат педагогик ишнинг бутун мураккаблигидан иборат. Ўқишга қизиқиш муваффақиятдан туғиладиган илҳом бор жойдагина бўлади».

Ҳамкорлик педагогикасида шундай улуғвор усуслар мавжуд бўлиб, унда ҳар бир ўқувчи ўзини шахс деб ҳис қиласди, ўқитувчининг унга эътиборини сезади, айни чоғда ўқитувчининг эътиборини тортишга қизиқади.

1. Ўқувчи ҳар бир дарсда ўз меҳнатининг муносиб баҳосини олишга ҳаракат қиласи.

2. Ўзига мос масалаларни танлайди.

3. Ҳар бир ўқувчининг ижоди хурмат ва баҳога сазовор бўлиши лозим.

4. Аслида ҳар бир ўқувчи хурматга лойиқ бўлиб, унинг қобилият-сизлигига шубҳа билан қарааш ҳақорат эканлигини тўғри тушуниши.

Ҳамкорлик учун икки шарт керак:

— ўқувчиларнинг ҳатто энг кичик қобилияларини ривожлантириш;

— ўқувчиларнинг ҳиссиёт ва сезгиларини ошириш.

Билиш хурсандчилиги ўқувчини фаоллаштиради, бу олинган билимларни янада чукурлаштиради ва мустаҳкамлайди.

Боланинг дарсдаги фаоллиги, руҳий ҳолати ва кайфияти олдин кўп ҳолларда қандай бўлган ва алоҳида ҳолларда қандай ўзгаришлар рўй бермоқда, деган нигоҳ билан масофа муносабатини тобора яқинлаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Жамият, даврнинг ижтимоий буюртмаси ўз талабларини акс эттирган ҳолда, давлат уларни янада мукаммалаштириб ўқитувчилар, мактаб, ҳар қандай ўқув юрти олдига кўяди.

Давлат буюртмаси ёки талаби жамият ва даврнинг талабидан орқада қолиб кетмаслиги лозим. Давлат бугунги кунда замонавий технологияни, таълим-тарбия жараёнига ҳозиржавоблик билан олиб киришни, интерфаол дарсларни ташкил этишни талаб этар экан, бундай тадаб асосида таълимни жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган устиворликка кўтариш, дунёвий таълимнинг стандартлари даражасига етказищдек эзгулик турибди.

«Фикрий ҳужум» методларини ижтимоий, гуманитар ва табиий йўналишлардаги фанлар жараёнида бирдек муваффақиятли қўллаш мумкин. Ушбу метод ўқувчи ва талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга, вақтини иқтисод қилиш, ҳар бир ўқувчи ва талабанинг фаол иштирокини таъминлаш, уларда эркин ва мустақил фикрлаш лаёқатини шакллантиришга хизмат қиласи.

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчини муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки муаммони ёчиш мумкин. Бундай методни қўллашдан мақсад гурухларнинг ҳар бир аъзосида қандай имкониятлар борлигини аниқлаш, уларнинг билим ва дунёқараашларини билиб, кузатишдан иборатдир «Фикрий ҳужум» методи асосида ташкил этилган машғулотда ҳар бири 6 нафардан иборат иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ тузилади. Ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо ёки масалани муҳо-

кама қиласилар. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи б 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар биринда аввалги б 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳга кирган талаба ўз жамоадошларига масалани қандай ечиш йўлларини айтиб, ўзаро муҳокама қиласилар.

Ўқитиш мазмуни давлат андозалари орқали белгиланади. Агар ўқитиш мазмуни ҳар бир алоҳида олинган ўқитувчи ёки мактаб томонидан белгиланса, келгусида битирувчи ўқувчиларнинг олий ёки ўрта маҳсус ўкув юртларига ўқишини қийинлаштириб қўяди. Чунки давлат талаби барча мактаблар учун бир хилдир.

Ўқитувчи янги материални тушунтиради – ўқувчи тинглайди (ёки эшитганини таҳдил қиласи), эслаб қолади ва эшитганини айтиб беради (руҳшунослар таҳдилига кўра бу шахс ривожланишнинг I дарражаси); ё эшитади, эслаб қолади, айтиб беради ва олган билимларини амалий фаолиятда қўллай олади (руҳшуносларнинг тарифига кўра бу шахс ривожланишнинг II дарражаси). Шак-шубҳасиз жамиятимизга бундай битирувчилар ҳам керак. Лекин тараққиётнинг замонавий даражасига мос келишга интилаётган жамиятга авваламбор олган билимлари асосида қандайдир янги нарсани яратадиган, ишга ижодий ёндаша оладиган, мустақил фикрига эга бўлган шахслар керак ( rivожланишнинг III дарражаси).

Ўқувчиларга бўлган муносабатдан ташқари дидактик жараёнлар ҳам, ўқитишнинг ташкилий шакллари ҳам тубдан ўзгаришини талаб қиласи.

Анъанавий педагогикада дарснинг беш босқичли мезони мавжуд бўлиб, бир хиллик услуб тизими таълим жараёнига чукур ўрнашиб олган эди: ташкилий қисм, сўраш (уй вазифасини текшириш), янги материални тушунтириш, уни мустаҳкамлаш, уй вазифаси.

Бу «андоза», бир хил «қобилият»даги усул давр-замоннинг тараққиёт талабларига жавоб бермай қўйди. Анъанавий педагогиканинг бу усули ўз замонасида хизмат қилиб, вазифасини ўтаб бўлди. Эндиликда эса бундай усул – бир хил қолип, шакл ўқувчиларни зериктириб қўйди. Интерфаол дарс мазмунига ранг-баранглик, шаклга турли хиллик баҳш этиш ўқувчиларнинг дунёқараши ва руҳияти асосида вужудга келиб, умрини ўтаб бўлган бир хиллилик – бир хил қолип усулининг ўрнини эгалламоқда.

Янги педагогик технология дарс ўтиш шакллари ва усулларини ўзgartириб, уларни хилма-хил қилиб, ўқитувчи ўқувчини ўкув жараёнининг фаол қатнашчисига айлантиради. Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти бу дарсни интерфаол дарсга айлантиради.

Ўқитишининг янги, ностандарт (интерфаол) шакллари – таълимтарбия масалаларини унумли ечишга, ўқувчиларнинг билиш фаолигини кучайтиришга қаратилган ўкув машғулотларини такомиллашибариш йўлларидан бири.

Янги педагогик технология умуман ҳар қандай технология каби жараённинг барча қатнашчилари томонидан унинг кўлланилиш даржасига кўра оммавийлигини тақозо этади.

Ўқувчиларга шахс сифатида ёндашиш, ўкув машғулотларини ташкил қилиш, ностандарт, интерфаол шаклларини ҳар бир ўқитувчи ишининг мезонига айлананишини таъминлайди. Давлат умумтаълим андозалари, яъни ўқитиш мазмуни ўқувчилар билимини баҳолаш, рейтинг тизими, яъни олинган билимларни баҳолаш усули амалиётда кўлланилиши дарс-таълим жараёнинг янгича руҳ ва мазмун баҳш этди.

1. «Ким ошди» савдоси дарси.
2. «Терговни билимдонлар олиб борадилар» туридаги дарслар.
3. Гуруҳ дарслари.
4. «Эврика» дарси.
5. Билимларнинг жамоатчилик кўриги дарслари.
6. Ўқувчиларнинг бир-бирини ўқитиш дарслари.
7. Кашфиётчилик дарслари.
8. Ўқувчилар олиб борадиган дарслар.
9. Консультация дарси.
10. Ижодиёт дарслари.
11. Ижодий ҳисобот дарси.
12. Иншо дарслари.
13. Компьютер дарслари.
14. Хулоса.

Ўқитишининг ностандарт шакллари уни ташкил этиш ва методика асосларига оид амалий услубий адабиётлар ҳали унчалик кўп яратилмаган бўлсада, интилиш, қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

«Ақлий ҳужум». Ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳига мавзуни ёритувчи алоҳида саволларга жавоб ёзиш вазифаси берилади.

1. Кичик ва ўрта бизнес турлари.
  2. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес йўналишлари.
  3. Тадбиркорлик ва бизнес шакллари субъекти.
  4. Кичик ва ўрта бизнеснинг фарқи ҳақида нималарни биласиз?
- Ҳар бир гуруҳ аъзолари тарқатилган оқ форматли қоғозга жавоблар ёзишади. Бу ахборотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилинади.

Англаш – ўқитувчи ўқувчиларга ўкув дарсلىкларини тарқатиб чиқади ва улар ушбу мавзуни ўқиб чиқиб, түгри ва нотүгри жавобларни қўшимча маълумот ҳамда матндан сўзларни қалам орқали маҳсус белгилар билан ажратиб чиқишиади.

Ҳар бир аниқланган белги ўқитувчи томонидан шарҳланиб, ўқувчиларнинг руҳини кўтарган ҳолда тушунтирилиб, голиб ўкувчилар гуруҳи айтиб ўтилади.

1. Ҳар қандай дидактика вазифа тегишли ўқитиш технологияси ёрдамида ечилади.
2. Ўкув машғулотларининг янги, ностандарт (интерфаол) шакллари.
3. Ўйин дастурлари.
4. «Ботаник ёки зоологик лото» ўйини.
5. «Робинзон изларидан» ўйини.
6. Ролли ўйин дарси.
7. Ишга доир ўйин дарслари.
8. Матбуот конференцияси дарслари.
9. Танлов дарслар, мусобақа, турнир дарслар.
10. Қувноқлар ва зукколар танлови туридаги дарслар.

Муаммоли, мулоқот, савол-жавоб, кўргазмалик, мунозара асосида дарс ташкил этиш янги педагогик технология дарсининг асосини ташкил этади.

Ушбу қўлланма ўқитувчига ўқитишнинг ностандарт, интерфаол шакллари, янги педагогик технология асослари юзасидан ҳозирги замон ўқитувчисига ёрдам беради.

Ўкув машғулотларини ташкил қилишнинг ностандарт, интерфаол шакллари жуда кенг бўлиб, турли-туман, услубий шаклларини ўз ичига олади.

**Ўйин дарслари.** Ностандарт дарсларида ўйин кўринишидаги машғулотларни ҳам ўтказиш мумкин. У бутун бир дарс давомида, унинг қандайдир босқичида ўтказилади. Бажарилиши керак бўлган ўйин – машғулот олдиндан лойиҳалаштирган бўлади: ўйин албатта билимга оид лойиҳа тарзидаги, ўкув ишига қизиқтирадиган омил бўлиши лозим.

Масалан, 6-синфда «Сифатдош» мавзусидаги дарс қўйидаги шаклда ўтказилиши мумкин:

Синфда ҳар ҳил топшириқлар иккига бўлинган жамоага берилади.

- сифатдошга мисоллар топиш;
- сифатдошларни ўз ичига олган мақолларни эслаш;

- гаплардаги сифатдошни топиш;
- математик атамалар ва сифатдошларни ёзиш.

Топшириқ бажарилгач, ғолиб жамоа эълон қилинади. Жамоалар мустақил равищда бир-бири учун «Сифатдош» мавзусида саволлар топиши лозим. Ёки **«кувноқ сайёрага»** саёҳат: жамоа аъзолари сифатдошлар ҳақида эртаклар тўқийидилар. Масалан, сифатдошнинг мустақил айланма давраси ҳақида эртак; «...гач» «...гунча» равиши доши билан «сифатдош» кўчасида уришиб қолгани ҳақидаги эртак. **«Саводиллар сайёрасида»** эса, ҳамма контрол диктанга тайёрланадилар.

**«Ботаник ёки зоологик лото» ўйини.** Ўқувчи катта ҳайвон ёки ҳашорат чизилган карточка, яъни бир неча квадратларни олади. Кичик карточкаларда – ҳайвонларнинг болалари. Бир тур, бир оиласига мансуб ҳайвонлар ёки ҳашоратларни таънлаб, уларнинг биологик хусусиятлари, табиатдаги аҳамияти ҳақида гапириб беради.

Катта ҳайвонлар ва уларнинг болалари хусусидаги мослаштириш белгилари орқали дарсда ўтказилган мулоқотлар лото ўйини орқали ўқувчиларга сўзларни кичрайтириш, эркалаш орқали ва турли хил кўринишлар ёрдамида хулоса чиқариш имконини беради. Бу ўйинда ўқувчилар турли хил катта-кичик ҳайвонларнинг овозлари, ҳаракатларига тақлид қилиш орқали инсоннинг ҳайвонот оламига муносабатини намойиш этиши мумкин.

**«Робинзон изларидан» ўйини.** Ботаника дарсида «Ўсимликларнинг новдаси, илдизи ва уруғидан қўпайиши» мавзусини ўрганишда, ўқитувчи дарснинг энг бошида ўқувчиларга шундай дейиши мумкин:

— Болалар, синфимиз дунё бўйлаб саёҳатга кетганини тасаввур қилинг. Кемамиз ҳалокатга учради. Ҳар бирингиз одам яшамайдиган номаълум оролга тушиб қолдингиз. Тасодифан чўнтағингизда бир дона картошка, бир бош пиёз, бир неча буғдой дони, қуритилган ер тут меваси ва ҳоказолар бўлиб қолди. Сизга ёрдам келгунга қадар оролда нималарни етишира олишингизни ўйланг ва айтиб беринг...

Ҳар бир ўқувчи ўзича ҳисоб-китоб қилиб, мулоҳаза юрита бошлайди. Ўқувчилар ўсимликларни қандай қўпайтириш, уруғларни қандай топиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб, ўзаро мунозара бошлашади. Саёҳат ҳақидаги ҳисоботларни маслаҳатчилар гуруҳига топширадилар. Энг яхши ҳисобот аниқланиб, муаллифдан мулоҳазаларини ўқишини сўрайдилар. Дарсда номаълум оролда ёлғиз қолган Робинзоннинг саргузаштлари, ёш саёҳатчининг ўз иродаси, қобилиятига бўлган муносабати ҳам аниқланади. Айни пайтда табиатнинг бойликлари, инсон учун битмас-туганмас истеъмол манбаи эканлиги, фақат ун-

дан оқилона, меҳнат орқали фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳар бир ўқувчида турлича тасаввур ва қизиқишлар пайдо бўлади.

6-синфда «Ўсимликлар дунёси» мавзусини ўрганишда бу мавзуни ўрганишдан икки ҳафта олдин дарсда ўқитувчи синфни уч гурухга (қаторлар ёки бўғинларга кўра) бўлади, улардан ҳар бири тоққа, шаҳарга, қишлоққа ёки чўлга «экспедицияга боради». Ҳар бир гурухнинг аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланиб, экспедиция бошлифи ва аъзолари ботаник, зоолог, рассом сифатида икки ҳафта давомида болалар экспедиция ҳақида ҳар хил журналларни, қўлланмаларни топиб, қўшимча материаллар қидириб, улардан фойдаланган ҳолда ўз «ҳисоботи» учун материал тўплайди.

Экспедиция бошлиқлари тог ёки чўл бўйлаб, ҳар бири ўзининг қатнов йўлларини белгилаб, кашfiётлар, вазифаларни тақсимлаб, нақадар масъулиятли ишга кўл ўрганликларини мулоҳаза қиласидар. Ботаниклар ўсимликларни, зоологлар ҳайвонот дунёсини, рассомлар табиатни тасвирлайдилар бошқа бирлари гербарий тўплаб ноёб ўсимликларни йигиш ҳақида ўйладидар.

Рассомлар, сураткашлар, метеорологлар – экспедициясининг барча аъзолари ўзларининг асосий вазифаларидан ташқари кузатишлар, тасвир кундаликларини тутади. Илмий маълумотлардан ташқари кундаликларига рўй берган воқеа-ҳодисаларни, кутилмаган тўсиқ ва қийинчиликларни, юклатилган вазифанинг ечимини ёзib боришади.

Дарсда мавзууни ўтиш жараёнида ҳар бир экспедиция бошлифи синфдошлари олдида ҳисбот берадилар. Регламент – 15 дақиқа. Экспедиция кундаликларини барча ҳакамлар ҳайъати кўриб чиқали ва унга муносабатини билдиради.

«Сут эмизувлчилар муҳофазаси» мавзусидаги зоология дарсида «Қизил китоб бўйлаб саёҳат» ўйинини ўтказиш мумкин.

Бу дарсни ўтишдан олдин мактаб ўқувчилари турли хил вазифалар юкланди: яқинроқ кўриқхонага саёҳат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Вазифалар тақсимланиб бўлгач, ҳар бир ўқувчи дарсдан ташқари мустақил равишда қўшимча адабиётдан фойдаланган ҳолда ҳисбот тайёрлайдилар. Дарс давомида улар «Қизил китоб»га киритилган ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилиш борасида, расмлар, фотосуратлар, кўрсатадилар, изоҳланган мультфилимлар ва турли хил кўргазмаларни намойиш этадилар.

«Гренлаандияга саёҳат» ўйин дарсини ўтказиш учун ўқитувчи дарсдан олдин ўқувчиларга адабиётлар рўйхатини тақдим этиб, орол тарихи ҳақида, унинг номи, жўрофий жойланиши атласини, экспедицияни тақдим этиб.

педицияни қандай шароитда ўтказиш, қандай ташкил этиш ҳақида муносабатини билдиради.

Дарсда ўкувчи – «штурман» кемага курс тайинлайди, оролга қайси томонидан ва нима мақсадда сузib келиш қулай эканлигини исботлайди. Экспедиция «биологи» оролдаги ўсимликлар ва ҳайвонот олами ҳақида, «этнограф» маҳаллий аҳоли, унинг яшаш тарзи, урфодатлари ҳақида материалларни түплайди. Экспедициянинг бошқа аъзолари ҳам орол ҳақида ўз хабарларини тайёрлаши лозим. Ҳатто-ки, рассом-ўкувчи орол ҳақидаги ўз тасаввурини тасвирга туширади. Орол тарихи, дини, ирқи ҳақида ҳам мунозаралар бўлади. Ҳар бир экспедиция аъзоси – ўкувчининг мустақил ҳаракати, ўз фикри ва муносабати ҳисобга олинади.

**Ролли ўйин дарси.** Кўп мавзуларни, масалан, кимё бўйича мавзуларни ролли ўйин шаклида ўрганиш қулайроқ бўлиб, барча фанларга қараганда кимё фани ишлаб чиқаришга, ҳақиқий амалиётга яқиндир.

Шундай қилиб, «Аммиакнинг ишлаб чиқарилиши» ролли ўйини дарсини ишлаб чиқариш мажлиси сифатида ўтказиш мумкин. Аммиакни ишлаб чиқариш бўйича завод ходимлари ролини ўкувчилар ўйнайдилар.

Ўкувчи – завод директори мутахассисларга аммиак синтези – атмосфера азоти ҳақида гапириб, уни ўрганишнинг асосий усули, ишлаб чиқариш тамойиллари ҳақида маълумот беради. Дунё бўйича у йилига бир неча ўн миллион тонна ишлаб чиқарилади. Ўкувчи иқтисодчи кодограмма схемасидан фойдаланиб, аммиакнинг қўлла-нилиши ҳақида ҳикоя қиласди.

Завод директори: Қишлоқ хўжалиги учун қанча азот керак? Муҳандис: Аммиак синтези-атмосфера азоти иқтисодий жиҳатдан энг фойдали усули. Лекин технологик жиҳатдан бу жуда мураккаб жараён. Балки кимdir бизни бу билан таништирас? Техник кутубхона мудири, аммиак ишлаб чиқариш тарихи ҳақида гапиради. Директор: Ҳа, ҳақиқатан муаммо қийин, олдимизда турган муҳим масалани ҳал қилишимизга тўғри келади. Бош кимёгар-тадқиқотчи: Бутун мураккаблик аммиак синтезининг кимёвий реакциясининг ўзида. Мана унинг физик-кимёвий тавсифи, мана жараённинг оптимал шартшароитлари (схема).

Завод газетасининг муҳаррири: Нима учун бу реакцияни анча вақтгача амалга ошира олмадик? Унинг тезлигини оширишга қандай эришилади? Нима учун уни гетероген деб аташади? Директор: Катализаторнинг газли аралашма билан туташиш юзасини катталашибириши лозим, шунинг учун фалвирак темирини қўллашади. Илти-

мос, буни қайд этинг. Кейин бош мұхандисга мурожаат қилади. Марҳамат қылғында яна бир марта бу реакциянинг физик-кимёвий тавсифини көлтириңг! Директор яна бир марта жараённинг оптималь шартшароитларни анықлады.

— Аммиак синтези, — дейди у, — жуда күп энергия ва меңнат талаб қылады. Реакциянинг юриши учун мұхандис кимёгарлар жуда күп қийинчиликтерни енгішига түғри келади. Технология қандай? Сүз — заводнинг бош технологига!

Бош технолог диапозитивлар ва синтез учун қурилма модели ёрдамида ишлаб чықариш технологияси ва асосий тамойиллари ҳақида ҳикоя қылади.

Бош технологта саволлар:

— Синтез колоннасини қуриш, қийин мұхандислик масаласи, чунки ұтто пүлатнинг маңсус навлари бундай юқори ҳарорат ва бессимда пишиқлигини сақтай олмайды. Буни енгіш қандай ҳал этилмөкә? Оптималь ҳарорат, қандай иссиқлик манбаи ҳисобига сақланади? Бу ерда қайси ишлаб чықариш тамойилларидан фойдаланади? Құрсағынан синтез шартшароитларда аммиак ишлаб чықаришни күпайтириш масаласи қандай ҳал қилинади? Қандай технологик жараён циркуляр деб аталишини яна бир марта тушунтириб беринг, илтимос. Барча ишлаб чықариш тамойилларини айтиб ўтинг (синтезнинг барча ўкувчилари буни дафтарга ёзадилар).

Директор: Аммиак синтез қурилмаси — бу жуда мураккаб, оғир вазнли жиҳоз. Тизим бошқариш пултидан назорат қилинади. Ҳаммаси автоматлаштирилган.

Бош мұхандис: Агрегатнинг қувватини ошириш мұхим: агар қуввати йилига 200 минг тонна аммиак бўлган агрегатта ҳозир 70 ишчи хизмат қўрсатиши мумкин. Яна бир мұхим масала: Бизга аммиак заводимиз ҳудудида цех қуриб, хлорид кислотани ишлаб чықаришни йўлга қўйишни таклиф этишяпти. Маълумки, завод яқинидаги тупроққа аммоний хлориди сингиб кетиб ва йилнинг курғоқчил фаслида у ернинг устига чиқиб, концентрацияни юзага келтиради. Нима қилиш керак?

Мутахассислар экологик муаммоларни, экологик жиҳатдан тоза ишлаб чықариш технологиясини ташкил қилиш имкониятини мухоҗама қилидилар. Атроф-мұхит муҳофазаси буйича инспекторда таклифлар бор...

Дарс охирида мажлис хулосаси чықарилади. Қарор қабул қилинади: Ишлаб чықариш қувватини оширамиз. Агрегатнинг қувватини технологик қайта жиҳозлаш, янада самаралироқ металлоорганик катализаторлар, сув таъминотининг ёпик тизимлари ҳисобига олинishi лозим.

Математика дарсида ясашга доир масалаларни бажаришда «Конструкторлик бюроси» ролли ўйинини ўтказиш мумкин.

Дарс бошида ўқитувчи ўқувчиларга қурилиш хатти-ҳаракатлари ва кетма-кетлигини кўриб чиқишини таклиф қиласди. Мактаб ўқувчилари аниқлайдилар: қурилишнинг бошлангич босқичи – архитектор иши. У қуриладиган ўйни хаёлан тасаввур қиласди, лойиҳани ишлаб чиқади.

Кейин конструкторлик бюросида барча ҳисоб-китобларни қиласдилар, қурилиш технологиясини ўйлайдилар. Қурилиш майдончасига қурилиш материаллари ва қурилиш техникасини олиб келадилар. Қурилиш ва монтаж бошқармаси ўйни куради ва уни комиссия қабул қиласди. Ишлар бажарувчиси барчасини қурилиш режасига кўра бажарганини исботлайди.

Ясашга доир масалалар ўз ичига таҳдил, ясаш, исбот, тадқиқот қўллашни ўз ичига олади. Маълум шартлиллик билан таҳдил – архитектор ва конструкторлик бюросининг иши, ясаш – қурилиш ва монтаж бошқармасининг иши, исбот – давлатнинг қабул қилиши, тадқиқот – бажарувчи билан мувофиқлаштириш сифатида қабул қилиш мумкин.

Ясашга доир масалалар ўйин шаклида ечилади. Олдинг буюртмачи «ишлайди». У топшириқ беради, сақлашга кулаг бўлиши учун материални қандай жойлаштиришни чамалаб кўради (ҳисоблаб кўради).

Буюртмачи архитекторни «танлайди», у эса 2–3 кишини конструкторлик бюросига «таклиф қиласди». Ўқувчилар тахта ёнига келиб, қурилиш ишлари режасини тузадилар. Конструкторлар икки кишини ўз қурилиш ва монтаж бошқармасига таклиф қилиб қурилишни бажарадилар. Буюртмачи комиссияни тайинлайди, курувчилар ҳисобот берадилар. Буюртмачи таъминот ва комплектация бўлими билан қурилишга қандай материал кераклигини аниқлайди.

Ўқитувчи буюртмачи, архитектор ва конструкторларни танлашга ёрдам беради, математика бўйича яхши ўқийдиган ўқувчилар таклиф қилинади. Ҳар бир қурилиш бўғинининг ишини бутун синф баҳолайди.

Учинчи дарсдан бошлаб, мустақил ишлайдиган, дарс охирида ҳисобот берадиган бўғинларни тузиш мумкин.

Гулли ўсимликлар, уларнинг тузилиши, ҳужайра ва унинг вазифалари мавзусидаги ботаника дарсини «Ўзга сайёраликлар билан учрашу» ролли ўйин дарси сифатида ўтказиш мумкин.

Олдинги дарсда ўқитувчи ўқувчиларга ўнчай дейди: Бизнинг олдимизга, Ерга ўзга сайёраликлар келганини тасаввур қилинг. Уларнинг сайёрасида ҳамма нарса бошқача ва улар ҳаётимиз билан танишмоқчи. Уларни хусусан сайёрамизнинг ўсимлик дунёси қизиқ-

тиради. Улар буни яхши тушунишлари учун Фанлар Академияси бизга ўсимликлар ҳақида барча энг муҳим нарсаларни, маълумотларни, илмий-назарий тадқиқотларни топширди. Кейин ўйин қоидаларини тушунтиради.

Агар тушунтириш давомида хато ёки ноаниқликка йўл қўйилса, унда ўзга сайёраликлар тушунмаганини имо-ишора орқали кўрсатадилар ва яна бир марта тушунтиришни сўрайдилар. Хато ёки ноаниқликка йўл қўйган ўқувчи ўтирган қатордан бир балл туширилди. Бу қаторда ўтирганлар жавобни тўғрилаб, ўзларига баллни қайта-риш имтиёз-хукуқига эгалар. Агар улар буни қила олмаса, унда яна балл туширилади ва қатор бўйича қўшниларининг жавобини тузатиб, ойдинлаштириб, яна баллга эга бўладилар. Ўқувчиларнинг асосий жавоби беш баллик тїзим бўйича баҳоланади. Ўзга сайёраликлар билан суҳбатлашганда болалар нафақат қобилият, кўникма-малакаларини, балки ўзларининг вазминлигини ҳам кўрсатишлари лозим. Негаки, интизомни бузгани учун балл туширилади. Ўйин шартларини муҳокама қилиб бўлгач, ўқувчилар ролларни тақсимлайдилар. Биринчи қатор – бу ўсимлиқшунослик институтининг илмий ходимлари, иккинчиси – қишлоқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси ташкилоти аъзолари, учинчи қатор – «Табиат» журналининг мухбирлари. Ўқитувчи бу дарсда таржимон бўлади. Ўзга сайёраликлар бўлиб, улар ҳам ўз қаторига – баллга эга бўлган, табиат ҳақида мукаммал билимларга эга бўлган яхши ўқийдиган ўқувчилардир.

**Ролли ўйинлар тарих дарсида.** Мажлис ролли ўйин дарси, мажлис мавзуси: Париж Коммунаси. Қуйидаги вазият моделлаштирилади: агар коммунада ўз фаолиятини баҳолаш, яъни 1871 йил май ойида ҳисоботлар ва сайловларни ўтказиш имконияти бўлганда қандай бўлар эди?

Синф Коммуна тарафдорлари ва унга қаршиларга бўлинади (қаршилар лагерида – анархистлар, прудонистлар, бланкистлар, якобинчи бўлмаганларнинг майдада буржуа гурӯҳлари). Пролетар диктатураси томонидан қилинган ҳар бир қадам муҳокама қилинади. Чиқишлилар асосли, исботларнинг ягона занжирини ҳосил қилиши лозим. Мажлис қуйидагича қарор қабул қиласи: ... Коммунанинг муваффақиятини тан олиш, шу билан бирга ... хато деб ҳисоблаш, кун тартибининг иккинчи масаласи – Коммуна раиси сайловлари. Сўз депутатликка даъвогар шахсларнинг ваколатли шахсларига берилади. Улар тўртта – Варлен, Франкел Домбровский, Луиза, Мишел. Ҳар бир номзод атрофида баҳслар қизийди. Бундай дарснинг мақсади: Париж коммунасининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини батафсил таҳлил қилиш, унинг арбоблари билан таништириш.

**Дарсдаги яна бир тарихий модел – конгресс ролли ўйини.** Мавзу масалан шундай: Германия, Англия, Франция, АҚШ, Япониянинг ҳалқаро муносабатлари ва ташқи сиёсати. Синф беш гурухга бўлиниди, уларнинг ҳар бири XIX аср охири XX аср бошида юзага келган ташқи сиёсат томойилларини ҳисобга олган ҳолда бу мамлакатлардан бирининг ташқи сиёсатини батафсил ўрганади, мамлакатлар ўтасидаги алоқаларни топишга, улар ўтасида битим тузиш учун замин тайёрлашга ҳаракат қиласди...

**Ишга доир ўйин дарсларини,** ўкув йили охирида материални тақорлагандаги ёки умумлаштиргандаги ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, физиканинг иссиқлик ҳодисалари, электр боблари бўйича.

Дарс бошида ўқитувчи кино парча ёрдамида космик кеманинг ҳалокатга учраши, нотаниш сайёрага парвозини муҳокама қиласди (ўхшатади). Ракета йўловчилари (синф) уч бўлимга бўлиниди. Бири сайёра аҳолисини, электр-ток билан, иккинчиси иссиқлик манбай билан таъмиңлаш муаммосини ечади. Учинчиси хоналарнинг вентиляциясини таъминлайди. Ўз техник масаласини ишлаб чиқувчи ҳар бир бўлим (қатор) уч гурухга: конструкторлик, муҳандислик, амалий ишлар гурухларига бўлиниди.

Уларнинг ҳар бирига маълум техник шартлар билан топшириқ берилади. Конструкторлик лойиҳаларни (талаб қилинадиган қурилмаларнинг принципиал схемаларини) яратадилар ва уларни муҳандисларга етказадилар. Улар ҳисоб-китоб қиласидилар ва барча ҳужжатларнинг занжирини тузиш, унинг амалда ишлашини текшириш, баъзи ҳисобланган параметрларни текшириш учун кейинги гурухга топшириқ берадилар. Топшириқларни бажариш учун ҳар бир гурухга 8 дақиқа вақт берилади.

Сигналдан сўнг бўлим иши бўйича барча материаллар таҳтага тақдим этилиши лозим. Бўлим спикери топшириқнинг бажарилиши ҳақида маъруза қиласди. Ҳар бир гурух иши муҳокама қилинади.

Махсус конструкторлик бюроси ишга доир ўйин дарснини кеманинг сузиши, иссиқликдвигателлари, оптик ҳодисалар мавзулари бўйича физика дарсларида ўтказиш мумкин.

Бунда синф гурухларга бўлинниб, уларнинг ҳар бири ўз топширигини олади.

Биринчи гурух –мия маркази –лойиҳани ишлаб чиқади, гипотезани келтиради.

Иккинчиси –тарихчилар гурухи –мавзу бўйича тарихий шарҳ тайёрлайди.

Учинчиси –ёрдам гурухи – таклиф этилаётган конструкцияни ишлаш асосини ташкил қилувчи асбобларнинг паспорт маълумот-

лари ва қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда керакли маълумотларни тақдим этади.

Тўртингчиси – монтажчилар гурӯҳи – конструкцияни ясайди ва унинг ишлашини текширади.

Бешинчиси – хавфсизлик техникаси гурӯҳи.

Олтинчиси – иқтисодчилар гурӯҳи – ишлаб чиқилаётган лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Еттинчиси – бошқарув ва назорат гурӯҳи.

Бундай дарсни чизмачилик дарсида ҳам ўтказиш мумкин. Бунда синф конструкторлар, муҳандислар гуруҳларига бўлинади, гуруҳлар раҳбарлари, техника назорат бўлими бошлиғи, бош конструктор тайинланади. Буюртмачи-ўқитувчи карточкаларини, ўтилган мавзуга доир топшириқларни ва йўриқномани, буюртмани, бажариш тартибини тайёрлайди. Барча карточкаларга мураккаб, ўрта мураккаблигидаги ва оддий топшириқлар деб белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, уч график ишни (керакли кесим асосида бажаришган детал эскизи) бажаришда конструкторлик бюроси бошлиғи ўқитувчидан буюртма – тури мураккабликдаги 36 та топшириқни олади ва улар гуруҳ раҳбарлари ўртасида тақсимланади, улар эса ўз навбатида гуруҳлар ичида тақсимлайдилар.

Конструкторлик бюроси бошлиғи планеркани (режани бажаришга бағишланган кенгашини) ўтказади, ишларининг шартлари ва хусусиятлари ҳақида қисқача гапиради. Тахта олдида куйидаги йўриқнома илинади:

- детални оддий геометрик шаклларга бўлиб ўрганиш;
- тасвирларнинг керакли сонини аниқлаш;
- асосий кўриниш танлаш;
- форматни танлаш, тасвирни чизма майдонида қандай қилиб жойлаштиришни аниқлаш;
- ингичка чизиклар орқали габаритли тўғри бурчакларни ясаш;
- чиқариш ва ўлчам чизикларни чизиш ва ҳоказо.

Йўриқномани эшишиб бўлгач, конструкторлик бюроси ишга киришади. Гуруҳ раҳбарларида давлат стандартлари ва маълумот учун адабиёт бор. Агар ишда нимадир аниқ бўлмаса, ўқувчилар конструкторлик бюроси бошлиғи ёки буюртмачининг ўзига (ўқитувчига) мурожаат қиласидилар.

Техника назорати бўлими бошлиғи давлат стандартлари қоидалари ва талабларига амал қилинишини кузатади, форматни, масштабни, чизма манбаларни танлашни элементлар бўйича текширади, чизмалар жойлаштирилиши, чизиклар турларига амал қилиниши, ўлчамлар тўғри қўйилишини кузатади.

Бугунги кунда миллий гояни ижтимоий оңг сифатида шакллантиришга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, унинг жамиятимиз томонидан ўзлаштириб олиниши учун шароит яратиш тақозо этилади. Бу эса, ўз навбатда миллий дастурни амалга оширишда белгиланган вазифалар билан чамбарчас боғликдир. Шунга эриши лозимки, ҳар бир фуқаро ўзига савол бераб: Мен жамият, Ватан учун нима қилдим, деб ўйласин ва мамлакатимиз тараққиётига, юрт равнақи, гуллаб яшнашига ўзининг муносаб улушкини қўша олсин.

Бу жараён қадрлар тайёрлашнинг якуний босқичи, истиқболдаги вазифаларни белгилаб беради.

«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига кўра фан, техника, янги технологияларни кўллашда эришилган натижалар, бой маданий-тарихий, маънавий-ахлоқий анъаналаримизни ва жамиятимизда вужудга келган янги қадриятларни ҳисобга олиб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва мазмунан такомиллаштиришни давом этиришни тақозо этади. Тарбиявий фаолият мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, мақсадга йўналтирганлик, динамик ўзгарувчалик, изчиллик маъносининг таҳдили ва изоҳини мукаммал билиш ўқитувчи технологияси, дарс ўтиш маҳоратини белгилаб беради.

Таълим-тарбия ишида расмиятчилик ва бепарволик каби иллатлардан воз кечиш лозимлиги ҳозирги замонавий дарс ўтиш технологиясида очик-ойдин намоён бўлиб қолди.

Кенг маънода тарбия авлоддан авлодга асрлар давомида тўплangan ижтимоий-маданий тажрибани узатиш ҳамда мустақил шахс ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш мақсадила маҳсус ташкил этилган ва йўналтирилган жараёндир.

Таълимни инсонпарварлаштириш ёш авлодда бой эстетик ҳиссисиёт, юксак маънавият, маданий ва ижтимоий тафаккурни шакллантириш ва ҳар тарафлама ривожланган шахсни тарбиялашнинг устивор йўналишларини ўз ичига олган таълим-тарбия дастурларини такомиллаштириш назарда тутилади. Ўқувчидаги мустақил шахс руҳиятини ва ижтимоий фаоллигини ошириш, мустақил фикрлаш ҳамда шахсий гурур, ишонч каби хислатларини ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Таълимни дифференциялаш замонавий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан бири бўлиб ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари, лаёқати, имкониятлари, қизиқишилари, касб танлашдан келиб чиқсан ҳолда турли кўринишда билим олиш имкониятини беради.

Матбуот конференцияси дарсларидан, кўпинча қандайдир мавзу ёки масала бўйича материални такрорлаш учун фойдаланилади.

Бундай дарсдан бир неча кун олдин синф кучлар бўйича тенг бўлган, турли газета ва журналлар ходимларининг ролини ўйнайдиган гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун ўзининг қизиқиш соҳаси тавсифланади, Масалан, ўрганилган ҳодисанинг мөҳияти, бу ҳодисадан амалда фойдаланиш, ушбу мавзунинг бошқа<sup>4</sup> фанлар билан алоқаси, бу масала бўйича илмий ғоялар ривожланиши тарихи.

Физикада рентген нурлари мавзусини ўрганишда гуруҳлар назарий ва экспериментал физиканинг тегишли журналлари – фан ва турмуш, саломатлик, ер ва коинот, табиатшунослик ва техника, тарихий масалалар вакиллари бўладилар. Улар ўз мавзуси бўйича саволларни олдиндан тайёрлаб, уларга жавоб олишни хоҳлайдилар. Яна бир гуруҳ, матбуот маркази мавжуд бўлиб, унга назариячи физик, муҳандис, шифокор, физика тарихчиси киради. Бу гуруҳнинг вазифаси – саволларга жавоб беришга тайёрланиш.

Матбуот конференцияси дарси 4 қисмдан иборат:

- матбуот маркази ходимларининг журналистлар саволларига жавоблари (45 дақиқа);
- таҳрирга оид топшириқларни тайёрлаш ва шакллантириш (20 дақиқа), ҳар бир журналист ўз саволига олган жавоблари асосида журналга мақола ёзади;
- бажарилган иш ҳақида ҳисобот (15 дақиқа);
- хулоса чиқариш ва экспресс газетасини нашр этиш.

Инглиз тили дарсида Генри Уайт ўз мактаби ҳақида ҳикоя қилиб матнни ўтишда ўқитувчи болаларни англиялик меҳмон билан матбуот конференцияси ўтказилиши ҳақида огоҳлантиради. Меҳмон роли энг яхши тайёrlанган ўқувчига тегади, қолганлар журналистлар бўлиб, ҳар бири ўз саволларини тайёрлаб жавоб олишга шайланади.

Кейинги дарсда столлар суриласди, уларнинг орқа қисмида ўз ёзув дафтарчалари, фотоаппаратлари билан журналистлар турадилар. Ҳар бирининг олдида газета ёки журнал, яъни ҳар бири вакил бўлган нашр номи ёзилган тахтачалар.

Жаноб Уайт журналистларнинг саволларига жавоб беради, кейин журналистлар ўzlари фаолият кўрсатадиган нашрга материал тайёрлайдилар.

Матбуот конференцияси дарсларини ўтказишга ижодий ёндашиб, бундай дарсларни ҳар қандай синфда, ҳар қандай фан бўйича ташкил қилиш мумкин.

Хорижий ҳамда хамдўстлик мамлакатларида амалиётга муваффақиятли татбиқ этилаётган таълим-тарбия беришнинг интерфаол методлари орқали дарс ўтиш ўзининг самарасини бермоқда. Ушбу

методлар чет эл технологиясидан олинган бўлиб, ўрганилиб, қайта ишланиб сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Интерфаол методларни кўллаб дарс ўтиш натижасида ўкувчиларда ҳар томонла-ма илмий-назарий билимларни мустақил эгаллаш, билим, кўникма, малакаларини шакллантириш ва шу асосида ўкувчиларнинг ил-мий дунёқарашларини таркиб топтириш ҳамда фаоллигини ошириш, эркин фикр юрита олишга ўргатиш, ижодий қобилиятларини аниқлаш ва уни рӯёбга чиқариш, ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини шакллантириш ва ниҳоят якуний натижаларни кафолатланиш мақсадларини амалга оширади. Ўзбекистоннинг порлоқ ис-тиқболи барча фуқароларининг, шунингдек, умумхалқ, умуммил-лий фаолиятига айланади ва ўз мақсади, вазифалари жиҳатидан миллий фоя, истиқбол руҳини ҳар бир дарс ва тарбия бўғинига синг-дириш муҳим омилларидан бирига айланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг миллий гоясини шакллантиришдаги роли ва ўрни бениҳоядир.

Миллий дастурнинг асосий мақсади – баркамол шахсни шакллантиришдир. Онгли равишда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий турмушда фаол қатнашиш лаёқатига эга бўлган, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир кўрсата оладиган, мамлакат тақдири учун масъул бўлган шахсни тарбиялаш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг устивор жиҳатидир.

Миллий дастур мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши ҳуқуқий давлат қуриш, тафаккур ва мунозара маданиятини ривожлантириш, шахснинг ички дунёсини бойитиш ва янгича ижтимоий муносабатларни шакллантириш орқали мамлакат ижтимоий-сиёсий турмушига демократия асосларини жорий этишга хизмат қилишдир.

**Танлов дарслар, мусобақа дарслар, турнир дарслар** – якуний на-зоратнинг жуда қулай шаклидир. Уларни «Болалар бугун биз сизлар билан танлов ўтказамиш. Ким яхшироқ сўрай олиши ва жавоб бера олишини, расмларни изоҳлай олишини аниқлаймиз», деган эълон билан бошлангани маъқул. Агар танлов, масалан, инглиз тили дарсида ўтказилаётган бўлса, танлов қатнашчилари топшириқларни бажариб, қолган ҳакамлар ҳайъати кузатувчи сифатида фикрлар қанчалик мантиқий ва тўлиқлигини, қанча жавоб, жумла бўлганини текширишади.

Столнинг ёнига биринчи жуфтлик чиқади. Мулоқот: болалар навбат билан (чет тилида) расмларни тавсифлайдилар. Кейинги жуфтлик... Кейингиси... Ҳакамлар-талабалар машгулотларнинг қандай ба-жарилишини, иборалар сони ва сифати, мантиқ ва кетма-кетликни қатъий равища кузатадилар.

Танловдан сўнг хулоса чиқарилади, баҳолар журналга кўйилади. Фолибларга совринлар, яъни отkritkalар, чет тилидаги журналлар, тўғарак машгулотларида ясалган эсдалик совфаларини топшириш мумкин.

Мактабда чет тилини ўрганиш, умуман танлов дарсларини ўтказиш бўйича катта имкониятларни тақдим этади.

Масалан, мавзуни ўтгандан сўнг, якуний босқичда 3–4 дарс олдин ўқитувчи болаларни огоҳлантиради, улардан инглиз (немис, фаранг ва бошқа) тилда шеър ва кўшикларни ёдлашларини сўрайди. Мактаб ўқувчиши мавзу бўйича мусобақа дастурини, мисол учун қуийдагича топшириқларни ўз ичига олган лойиҳа билан танишиб чиқади:

- ўз кун тартибингиз ҳақида гапириб беринг;
- онангизга ёрдам беришингиз ҳақида гапириб беринг;
- ўз дўстингиздан (дугонангиздан) дарслардан сўнг одатда нима иш қилишни сўранг;
- дастурхонни тузанг ва ўз хатти-ҳаракатларингизни изоҳланг;
- чет тилидаги қофиялар, саноқлардан фойдаланган ҳолда жисмоний тарбия паузасини ўтказинг;
- мустақил ишларни бажаринг ва ҳ.к.

Дарс кичик концерт ва хулоса чиқариш билан тамомланади.

Худди шундай дарсларни миллий мактабда рус тилини ўрганиш давомида ҳам ўтказиш мумкин.

Физика фанида мусобақа дарсининг мақсади: ҳар хил турдаги масалаларни ечиш қобилиятларини мустаҳкамлаш.

Олдиндан жамоалар ва ҳакамлар ҳайъати тузилади. Ҳакамлар ҳайъати машқ ва масалаларни саралайдилар, экспериментал масалаларни ечиш мақсадида жиҳозни ва мавзуга доир қисқа хабарлар учун материални тайёрлайдилар.

Дарс шундай хабардан бошланиб, ҳакамлар ҳайъати аъзоси бошқарди ва кейин (разминка) жамоалар томонидан сифат масалаларининг ечилиши; тажриба намойиш қилиниб, уни тушунтириш талаб қилинади; кейин сардорлар танлови (экспериментал масалаларни ечиш); бу вақтда яна бир ҳикоя тингланади. Кейин жамоалар танлови: ҳисоб-китоб масалаларини қисқа вақт ичida мустақил рашида ечиш. Дарс хулоса чиқариш ва голиб жамоани эълон қилиш билан тамомланади.

**Мусобақа дарсларини** математика дарсларида ҳам, масалан, алгебра бўйича, асосий тригонометрик формулаларининг ифодаларини алмаштиришда қўллаш мавзусини ўрганишда ўтказиш мумкин.

Мавзу шунчалик мураккабки, тригонометрик ифодаларни алмаштириш давомида формулалар ва айниятларни яккана-якка ва ком-

плекс тарзда, бунинг устида рационал усулда қўллаш лозим. Бу мақсад дарс бошида қўйилади.

Мусобақа бошланади. Тўрт ўқувчи мисолларни тахтанинг тескари томонига, бошқа тавақасига ёзадилар. Тахта ёнида ўқитувчи билан синфнинг математикани яхши биладиган ўқувчиси мусобақалашади. Шу пайтда энг яхши ўқувчи билан биргаликда ўқитувчи тузган мисолларни, ўқитувчи эса ўқувчилар тузган мисолларни ечиб борар экан ўқувчилар уларни кузатиб, фаол иштирок этиб боради.

Кейин уй вазифасини текшириш:

- керакли формулаларни такрорлаш, савол-жавоб, жавоб яна савол;
- математик диктант.

Мусобақадан сўнг хуоса чиқарилади.

**Турнир дарснинг мақсади ўтилганларни такрорлашдан иборат бўлиб**, бундай дарсни физика бўйича ўтказишда 2 параллел синфи бирлаштириб, улар ўртасида турнир ўтказиш мумкин. Бундай дарс 2 соатга мўлжалланган, унга тайёрланишга бир неча кун кетади. Болалар эрудитлар (билимдонлар), маслаҳатчилар, таҳлилчилар, тажриба ўтказувчилар гурухларига бирлашади.

Маслаҳатчилар орқада қолаётганлар билан шуғулланадилар; таҳлилчилар илгари олган мураккаб масалаларни ечадилар; эрудитлар, хабарларни тайёрлайдилар; тажриба ўтказувчилар тажриба тўплайдилар. Бир синф хабарлар мавзуси, фаннинг ривожланиш тарихи ҳақида, иккинчиси ўрганилган ҳодисалар ва қонуниятлардан амалда фойдаланиш билан машгул бўлади.

Синфлар бир-бирига қарама-қарши ўтиришлари учун дарсдан оддин синфдаги столларни қатор қилиб қўядилар. Кўчма тахталар қўйилиб, ўқувчилар ўзлари ясаган ўрганиш солномаси (физика бобининг номи) плакати илинади.

Дарс бошланади. Унинг мақсади эълон қилинади, ҳакамлар сайланади. Кейин ўқитувчи берадиган саволлар бўйича (фронтал) умумий сўроқ ўтказилади. Дам у, дам бу синфнинг ўқувчилари навбат билан жавоб берадилар. Ҳакамлар уларнинг жавобларини баҳолайди. Бу пайтда таҳлилчилар тахтада масалаларни ечиш билан банд бўлишади. Фронтал сўроқ якунланади. Кейин ҳамма қисқа (мини)диктант ёzáди, уни ўтказишдан мақсад мавзуга доир формулаларни текшириш.

Кейинги босқич: ҳар бир синфдаги тажриба ўтказувчилар ўзлари тайёрлаган тажрибаларни кўрсатади, бошқа синфдаги ўқувчилар эса уларни навбат билан тушунтиради, намойиш қилувчиларнинг ишини баҳолайдилар.

Иккинчи дарсда олдиндан тайёрланган манба – хабарларни ўқишиди. Кейин болалар икки гурұхға бўлинадилар: бири назарий масадаларни ечади, иккинчиси карточкалар бўйича топшириқларни бажаради. Якунида хулосалар чиқарилади, голиб жамоа эълон қилинади.

Шунингдек, кимё бўйича дастлабки кимёвий тушунчалар мавзусидаги турнир дарсни шундай ташкил этиш мумкин.

Турнир дарс бошида бошловчилар танланади. Ҳакамлар ҳайъатига юқори синф ўқувчиларини сайлаш мумкин. Дарсда бир неча танловлар ўтказилади. Уларнинг ҳар бирига жамоадан бир киши қатнашади.

1-танлов. Плакатда кислород ҳақида оддий модда сифатида ва кимёвий элемент сифатида айтилган жумлалар ёзилган. Ҳар бир жумланнинг рўпарасида конверт бўлиб, унга агар кимёвий элемент ҳақида гап кетган бўлса, кислороднинг кимёвий белгиси чизилган карточкани, агар оддий модда ҳақида гап кетган бўлса, кислород формуласи ёзилган карточкани олиш лозим.

2-танлов. Жамоалар аъзолари кимёвий белгилар бўйича бошқотирмаларни ечадилар.

3-танлов. Биз кимёвий идишни қанчалик биламиз.

Идиш ва жихоз рақами кимёвий моддаларнинг номи ва вазифасига мос келиши учун идишни плакатда рақамлаш лозим.

4-ва 5-танловлар – баллар валентлик ва коэффициентлик қўйиб чиқадилар.

Жамоа танловидан сўнг муҳлислар танлови (улар молекуляр массани топадилар); тажриба ўтказувчилар танловлари; сардорлар танловлари (улар кимёвий реакцияларнинг аломатларини, кимёвий реакцияларнинг турларини айтадилар).

Нима ёзилганга мос тушиш ўйини:

1. Сув, темир, карбонат ангидрид гази, мураккаб моддалар.
2. Ҳаво, тупроқ, ҳар хил аралашма ва ҳ.к.

Бундай дарс охирида хулоса чиқарилади. Голибларга соврин берилади.

Бу турдаги дарсларда болалар ҳар қандай танловлар ўқувчилар иштирокида амалга оширилади. Ўйиннинг бу қоидаси барча қатнашчиларни имкон борича эътиборли бўлишга ва дарсга фаол қатнашишга ундейди.

**Кувноқлар ва зукколар танлови** турдаги дарсларнинг қўлланилиш соҳаси кўп ҳолларда мавзулар ва бобларни такрорлаш жараёнида амалга оширилади. Кувноқлар ва зукколар дарсини 5 та босқичли танловда ўтказиш мумкин:

1-босқич –разминка. Топшириқ; ўтилган мавзу бўйича ҳикоя тузиш: бир ўқувчи ҳикояни бошлайди, иккинчиси давом эттиради ва ҳ.к.

**2-босқич** – уй вазифаны текшириш тәнлови. Мавзудаги эңг мұхим жой акс эттан сағнани үйнаш лозим.

**3-босқич** – жағобни тәнлаш орқали масалаларни ечиш (тест).

**4-босқич** – ўйлаб топ тәнлови. Жамоадан бир ўқувчи синфдан чиқиб кетади, қайтганда эса қолғанлар ушбу мавзуга кирудиң қандай физик түшүнчө берилганини (масалан, молекула) мисоллар ва күшма гаплар орқали айтты берадилар.

**5-босқич** – артистлар ва рассомлар тәнлови. Жамоа рассоми әшик орқасынан чиқиб кетади. Намойиш қылувчи тажрибани күрсатади ва уни түшүнтиради. Рассомның таклиф қылады ва у учун артист пантомима орқали тажрибани тасвирлайды, рассом унинг қайсилигини билди, расм орқали тасвирлаши лозим.

Якуний босқич – холоса чиқариш.

Чет тили дарсінде ўқычилар 3 жамоага бўлинадилар, ҳар бирига сардор бошчилик қылади.

Масалан, менинг уйим мавзусидаги Қувноқлар ва зукколар клуби сардорлар (бир-бирингиздан яшаётган уйингиз ҳақида сўранг), рассомлар (матнни ўқиб унга керакли (хомаки расм) услубдаги расмларни чизинг), билимдонлар (матнни ўқинг ва ҳикоя қилинг) тәнловларини ўз ичига олиши мумкин.

**Ким ошди савдоши дарси** 9-синфда натрий ва калций мавзуси бўйича кимё дарсларини ким ошди савдоши шаклида ўтказиш мумкин.

Дарсга болаларнинг икки гуруҳи тайёрланади: 1-гуруҳ – натрий, 2- калций. Дарсга юқори синф ўқувчилари – майший хизматлар, саноат, қурилиш, тиббиёт, савдо фирмалари вакиллари таклиф этилади. Дарсга натрий ва калцийнинг бирикмаларидан қишлоқ ҳўжалигида қандай фойдаланишга доир реклама проспектлари тайёрланади.

Калций ва натрий жамоалари аъзолари бу моддаларнинг хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилиб, тажрибаларни күрсатади, турлича реакцияларнинг тенгламаларини тузади, реклама проспектларини таҳлил қыладилар.

Кейин фирма вакиллари саволлар берадилар:

– Сиз натрий гидрокарбанатдан нон пиширишида фойдаланишни таклиф этяпсиз, натрий гидрокарбанатини хамирга кўшганда унда қандай ўзгаришлар бўлади?

– Оҳакли сутдан шакар ишлаб чиқаришда фойдаланишни таклиф этаяпсизми? Унинг роли қандай?

– Олинган карбонат ангидрид газидан мева сувларини тайёрлашда фойдаланишни таклиф этаяпсизми? Лекин бу ахир кислота-

ли оксид-ку, у сув билан бирикса кислотани ҳосил қиласи-ку. Биз ноорганик кислоталар организм учун заарли эканлигини биламиз. Шунинг учун бу маҳсулотни биз ҳозирча сотиб ололмаймиз.

Агар жавоблар савдо фирмалари вакилларийни қонаатлантирса, модда сотиб олинади. Дарс охирида холоса чиқарилади.

Физика бўйича ким ошди савдоси дарси мақсадли, қизиқарли шаклда, мавзуни тақорлаш, билимларнинг амалда қўлланилиши тарзида жонли ва ҳаётй ўтади.

Физика ўқитувчиси билан бирга дарсни физика тўғараги аъзолари тайёрлайдилар: ким ошди савдосида сотиш учун (объект) манба ва манбаларни тўплашни ташкил қиласидилар, либосларни ўйлаб топдилар, жўр бўлиб мусиқа ёзди ва танлайди.

Дарс тузилиши шундай: саломлашиш, мавзу, асосий масалаларни сўраш давомида тақорлаш; ким ошди савдоси қоидаларини тушунириш; нарсаларни сотиш; мусиқий паузада сотишини давом эттириш; мусиқий финал; холосалар.

Ким ошди савдоси шундай ўтказилади. Кўргазма столи олдида маҳсус тайёрланган либосдаги бошловчилар жойлашади. Уларнинг олдида катта фиддирак, унинг атрофига айланма бўйлаб сотиладиган нарсалар жойлаштирилади. Бошловчи фиддиракни юргизади. Тўхтаган кўрсаткич қайси нарса сотилишини кўрсатади. Ушбу нарсанни сотиб олишни истаган харидорлар уни физика билан, аниқроғи ўтилган мавзу билан боғлиқлиги ва алоқасини кўрсатишлари лозим. Навбат билан айтадилар, иккинчи бошловчи ҳар бир жавобдан кейин баланд овозда санайди: бир, икки, уч... Уч деб санагунга қадар охирги бўлиб жавоб берган ютади.

Масалан, молекуляр кинетик энергия асослари мавзусини тақорлашда тиши порошоги, шимиладиган қанд, дафтар, болаларнинг шишириладиган шари ва ҳ.к.сотилиши мумкин.

Қўйидаги жавоблар учун шимиладиган қандни сотиб олиш мумкин: аморф жисм, кристалл шакардан иситиш ва эритиши усули билан ҳосил бўлади, диффузия туфайли унинг ҳидини сезамиз.

Бундай турдаги дарслар ўрта синфларда самара беради.

**Терговни билимдонлар олиб борадилар турдаги дарслар** – детектив тергов бўлиб, терговнинг барча босқичларини ўз ичига олади. Версияни (таксиминий фикрни) ишлаб чиқиц, уни амалда (ушбу ҳолатда тажриба орқали) синаш, жиноят сабабларини тадқиқ этиш, хукм чиқариш. Иш айнан билишга асосланганлиги балан дикқатга сазовордир. Бундай турдаги дарслар билим олиши ва уларни тақорлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун ўтказилиб ўқувчиларни хушёликка, сезирликка, зийракликка даъват этади.

**Дарснинг асосий босқичлари.** Оператив штаб бўйича навбатчи шошилинч равища хабар қиласди, масалан: Диққат! Жиноят содир этилган! Москва –Рязан линиясида телефон сими изсиз йўқолди. Айборни топиш, жиноят сабабларини аниқлаш, ўғрилик ўлчамларини белгилаш ва ҳ.к.талаоб қилинади. Терговни физика нуқтаи назаридан олиб бориш лозим.

Дарҳол 10 кишидан иборат бўлган З та оператив гурӯҳ ташкил қилинади. Саволлар қўйилиб, жавобни ўйлаш учун маълум вақт (1–3 дақиқа) берилади. Жавоблар баҳоланади.

Биринчи савол терговчиларга: Жиноят версияси қандай? Муҳкамадан сўнг тахмин ўртага ташланади: жиноят айбори – ҳароратнинг пасайиши.

Иккинчи савол: Мавжуд бўлган жиҳоздан (кўргазма столида қўйилган) фойдаланган ҳолда версиянинг тўғрилигини қандай текшириш мумкин? Энг яхши лойиҳани тузган оператив гурӯҳ тажрибани ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Учинчи савол: Жиноят сабаблари қандай? Жавоблар тингланади. Штаб тергов гурӯҳлари ишининг холосасини чиқаради.

Тўртинчи савол: Ўғрилик ўлчамларини, яъни йўқолган симнинг узунлигини қандай аниқлаш мумкин? Ўқув қўлланмаси ёрдамида гурӯҳлар жисмларнинг иссиқлик кенгайишидаги узунлигини ҳисоблаш формуласини келтириб чиқарадилар.

Бешинчи савол: Ҳисоб-китоб учун керакли сон маълумотларни қаердан олиш мумкин? Турли фаразлар муҳокама қилинади: улардан тажрибага асослангани чизиқли кенгайишиш коэффициентини топиш учун амалга оширилади.

Кейин жамоалар ролларни алмашадилар ва жараён бутунлай тақрорланади. Жамоаларнинг барча аъзолари маслаҳат овозини бериш хукуқига эга, ўз бўғинларга ечишнинг ёки маълумотларни ҳисоблашнинг бошқа усулини таклиф этиши мумкин.

Дарс сардорлар танлови билан яқунланади. Бу шундай рўй беради: назариячилар ва калкуляторлар ишни бошлагунча тажриба ўтказувчилар сардорлар танлови учун масаланинг шартини тайёрлайдилар. Бу масалалар жамоалар асосий топшириқларини бажариб бўлганда ва холоса чиқарилганда берилади.

Сардорлар тахта ёнида ишлайдилар. Уларнинг танлов натижаларини ўқитувчи шарҳлаб, танлов холосасини чиқаради, совринларни топширади.

**Билимларнинг жамоатчилик кўриги дарси** – ўқувчиларнинг ўрганилган боб ёки мавзу бўйича билимини текширишга ёрдам беради. Бу текшириш ўзига хос, унинг мақсади нафақат материал қандай

ўзлаштирилганини аниқлаш, балки мактаб маъмуриятига, ота-она-ларга, синф раҳбарларига, бошқа ўқитувчиларга, оталиқ қилувчи-ларга мактаб ўқувчилари нималарга эришганини, уларнинг били-мини мустаҳкамлаш, уларнинг билимидан амалиётда фойдалана олиш мумкинligини кўрсатиш.

Физика фанидан бу турдаги дарс қўйидагича ўтказилади.

Машғулотдан икки ҳафта олдин унинг мавзуси эълон қилинади, болалар жавобларини билишлари лозим бўлган саволларни ечиш учун бир типдаги масалаларни оладилар.

Ҳакамлар ҳайъатига мактаб директори, унинг ўқув бўлими бўйи-ча ўринбосари, физика ўқитувчилари, юқори синф ўқувчилари ва бошқалар киритилади. Билимлар кўриги қўйидагилардан иборат:

- оғзаки сўроқ (назария);
- карточкалар бўйича ишлаш (бир типдаги ҳисоб китобга доир масалаларни ечиш);
- диктант (формулалар ва физик катталиклар ўлчов бирликлари-ни билишни текшириш);
- экспериментал топшириқ (овозсиз вариантда кўрсатиладиган диафильм ёки кинофильмни шарҳлаш (фактик материални билишни текшириш).

Ўқитувчи ким, қачон ва қандай ишни бажариши ёзилган кўрик-нинг сценарийсини тузади. Ўқувчиларнинг бир қисми тахта ёнида саволларга жавоб беради, бир қисми жойида туриб оғзаки жавоб беради.

Дарс бошланади. Тахтанинг ёнида жавоб бериш учун уч киши келади, 14 ўқувчи ҳисоб-китобга доир масалалар берилган карточ-каларни олиб, кўргазма столи ёнида тажриба-масалалар билан шу-гулланади.

Буларнинг ҳаммасини тайёрлангунга қадар умумий (фронтал) сўроқ ўтказилади. Саволлар қизиқарли шаклда берилади, масалан, бадиий асарлардан парча ўқиласди ва бу ерда «қайси физик ҳодиса ҳакида гап кетаяпти?» деган саволга жавоб бериш лозим.

Кейин физик диктант — савол. Бундан кейин ўқувчиларнинг бир қисми мураккаб бўлмаган экспериментал топшириқларни бажара-ди, қолганлар навбатма-навбат кинопарчани шарҳлайдилар (ҳар бир ўқувчига 2–3 кадр тегади).

Ҳакамлар гурухларга бўлинади, уларнинг ҳар бири ишнинг бир турини қабул қиласди. Баҳолар сўроқ варақасига қўйилади Вертикал бўйлаб — ўқувчиларнинг фамилиялари, горизонтал бўйлаб — ишларнинг турлари: оғзаки сўроқ, карточкалар устида ишлаш, физик дик-тант, экспериментал топшириқ, кинофильмни шарҳлаш. Ҳакамлар

**Дарсда** ҳар бир ўкувчи олиши мумкин бўлган 5 та баҳодан 3–4 тасини олишини кузатиб боради. Охирида якуний баҳолар эълон қилинади.

**Ўкувчиларнинг бир-бирини ўқитиш дарснинг** ўзига хос хусусияти болаларнинг материал устида гуруҳ бўлиб ишлаши, уни шу ернинг ўзида, дарсда (уй вазифаларисиз) ўзлаштириши, болаларнинг бир-бирига ўзаро ёрдам ва ўзаро масъулият ҳиссини шакллантиришдир.

Дарс шундай қурилади.

Синфда 4 кишидан: командир (энг яхши тайёрланган ўкувчи) штурман ва икки учувчидан иборат бўлган экипаж тузилади.

Экипаж олдига мақсад қўйилади: масалан, янги материални ўзлаштириш. Ўқитувчи барча керакли кўргазмалар билан мавзуни батафсил тушунтиради. Кейин маъруза матни асосида қисқароқ қилиб, ундан кейин яна бир марта матни асосида тез суръатда тушунтириш ва таҳлил давом этади.

Бундан кейин экипажлар ҳаракат қилишни бошлайдилар. Олдин командир материални (топшириқни) барча қўл остидагиларига такрорлайди, кейин у штурмандан синов ҳисоботи қабул қиласди. Командир ва штурман учувчилардан сўрайдилар ва агар улар тайёр бўлса (материални ўзлаштирган бўлса), уларга синов баҳоларини қўядилар. Экипаж билимлар ҳимоясига тайёр.

Бу жараён турлича ўтказилади. Айнан қандайлиги командир оладиган жетонга боғлиқ. Агар танлаш жетони тушса – жавоб берувчи ни ўқитувчи танлайди (тайинлайди); агар делегат жетони тушса – экипаж ўзи жавоб учун элчини танлайди; Ҳамма жетондаги саволларга экипажнинг ҳар бир аъзоси кетма-кет жавоб беради. Ишонч жетонида эса сўроқ ўтказилмайди ва ҳар бир ўкувчи гуруҳдаги фаоллигига қараб, баҳоланади ва журналга қайд этилади. Яна бошқа имтиҳон оловчилар жетони бошқа экипажлардан синов қабул қилишга сафарбар қилинади.

Мактаб ўкувчилари томонидан бир-бирларига қўйилган баҳоларни текшириш ва тузатиш тизими кўйидагича: масалан, агар командир танлаш жетонини олган бўлса ва ҳимояда жавоб бериш учун ўқитувчи танлаган экипаж аъзоларидан бири гуруҳда олган баҳодан пастроқ баҳо олган бўлса, барча экипаж аъзоларининг баҳолари 1 ёки 2 баллга пасаяди. Бу қоида ҳамманинг бир киши учун, бир ўкувчининг ҳамма учун бўлган масъулиятини таъминлайди.

**Кашфиётчилар дарси** ўкувчилар билимларига, масалан, киноматик бўйича билимга ва жисмларнинг оддий тузилиши таърифловчи формулаларга таянган ҳолда реакция вақтини ўлчаш учун асбобни ясайдилар. Асбоб лойиҳасини (оддий чизғичдан) яратиш унинг даржалаш тамойилини ишлаб чиқиши, микрокалкулятордан фойдала-

ниб, бу даражалашни амалга ошириш талаб қилинади. Кейин эса ўлчаш ва натижаларни тақдослаб хулоса чиқариш талаб этилади.

Масалан, ўқувчиларнинг потенциал ва кинетик энергия, Бернулли қонуни ҳақидаги билимидан, шамоллар ҳақидаги маълумотлардан (география курсидан) фойдаланган ҳолда ўқувчилар билан шамол двигателини ясаш мумкин ва ҳ.к.

**Ўқувчилар олиб борадиган дарслар мавзу бўйича иккинчи (кириш-шарҳлов маъruzасидан сўнг) бўлиб ўтказилади.**

Педагог машгулот охирида тингланган маъruzанинг мазмунини тушуниб, у бўйича мунозара саволларини тузиши лозим бўлган навбатчи ўқитувчини тайинлайди ёки ўқувчилар уни танлайдилар.

Кейинги дарсда синф иккига: ўқувчиларга ва ўқитувчиларга бўлиниди. Дарснинг биринчи босқичида (5–6 дақиқа) ўқитувчилар ўқувчилардан (ҳар бири биттасидан) паст овозда сўров ўтказадилар ва дафтарларга баҳо қўядилар; агар керак бўлса, улар тушунарли бўлмаган жойларни тушунишига ёрдам берадилар.

Иккинчи босқичда (5–6 дақиқа) ҳамма ўз иш дафтарларида ўтган машгулотда тинглаган маъруза конспектини ёзади.

Учинчи энг узун босқичда навбатчи ўқитувчи синфдан оғзаки сўров ўтказади. Бу оғзаки сўроқ-суҳбат давомида лаборант ўқувчилар тажрибаларини (агар улар мавзу бўйича лозим бўлса) кўрсатиши мумкин.

Баҳоларни қўйиб бўягач, ўқувчилар навбатчи ўқитувчи иши ҳақида ўз фикрларини билдирадилар.

**Консультация дарси** одатда ҳафтада бир марта ўтказилади. Шунинг учун машгулотдаги ишни аниқ режалаштириш жуда муҳим.

Бунинг учун маҳсус жадвалдан фойдаланиш мумкин, унда графалар ажратилади: дарс вақти (дақиқаларга бўлинган) ўқитувчи фаолияти, ўқувчилар фаолияти.

Иккинчи ва учинчи графаларга иш турлари, мавзулари ва мазмуни (масалан, таклиф этилаётган масалалар, тажрибалар сони, параграфлар, журналлардаги мақолалар номи ёзилади ва ҳ.к.), шу билан бирга охирги гуруҳларга ажратилган ҳолда қилинади.

Ҳар бир гуруҳ ўз иши билан шуғулланади:

Биринчиси назарий материални ўзлаштиради.

Иккинчиси мавзу бўйича масалаларни ечиш малакаларини оширади.

Учинчиси қўшимча адабиёт билан ишлайди.

Жадвалда дарснинг қайси пайтида ҳар бир гуруҳ нима билан шуғулланиши акс этган.

**Күн жиҳозни** – асбобларни, жадвалларни, адабиётни, мас-  
тукчилар танлайдилар.

**Дарслари** ўқувчиларнинг кучли таркибини ўз ичига ол-  
маларда ўтказилади. Машғулотлар тақрорлаш-умумлаштириш  
сифатида режалаштирилади.

Масалан, физика бўйича ижодий дарс қўйидагича ташкиллаштирилиши мумкин. Мавзу: Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва ундан фойдаланиш.

Синф гуруҳларга бўлинади (гуруҳлар хоҳишига кўра тузилади). Ҳар бир гуруҳга топшириқ берилади.

10 дақиқа ичиди 1- ва 2-гуруҳларга электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатишида фойдаланадиган физик ҳодисаларни (масалан, электромагнит индукция, ферромагнетизм, симларни ток билан иситиш атамаларини) қатъий илмий ёки ҳазил щаклида шифрлаб, мавзу бўйича бошқотирма тузиш лозим (ҳар бири ўзиникини).

3- ва 4- гуруҳлар физикадан ким ошди савдосини тайёрлайдилар (ҳар бири ўзиникини): бу ўйинда бошловчи ўйнаётганларга бир неча тўгри жавоб бўлган 2 тадан савол беради (масалан, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш асосида қандай физик қонунлар ётади, барча турдаги электр энергиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар), ҳар бир тўгри жавоб учун балил берилади.

5-гуруҳ режани – дарс мавзуси бўйича ўқув кинофильмининг сценарийсини ёзади. Бунда ҳар қандай услубни (жиддий, ҳазилона) ва ҳар қандай шаклни танлаш мумкин. Фильм хужжатли, бадиий, мультплекцион бўлиши мумкин. Ягона амал қилиниши лозим бўлган шарт: режани ўқиши 3 дақиқадан ошмаган вақтга мўлжалланади.

Ҳар бир гуруҳ тегишли таҳтачаларни столлар ёнига қўйиб, ерда иш учун ҳамма нарса ва қисқа йўриқномаларни тайёрлайди. Ҳакамлар ҳайъати тузилиб, гуруҳлар тайёрлангунга қадар ўқитувчи билан бирга барча фаолият турлари ва қўшимчалар учун баҳолар тизимини ўйлаб чиқадилар.

10 дақиқадан кейин ижодий ишлар кўрги бошланади: бошловчилар навбат билан рақобатлашаётган гуруҳларнинг аъзоларига ўз бошқотирмаларини ва ким ошди савдоси учун тайёрлаган саволларини таклиф этадилар. Барча тўпланган баллар қайд этилади. Жавобларни ўқувчилар таҳтага ва ўз дафтарларига ёзадилар. Таҳтадаги ёзувларни таҳлил қилиб, ўқитувчи холоса чиқаради ва умумлаштиради.

**Ижодий ҳисобот дарсининг мавзуси ва санаси 2 ой олдин эълон қилинади.**

Бу вақтта қадар қилиниши керак бўлган ижодий ишлар: асбобни тайёрлаш, лойиҳани ишлаб чиқиш, лаборатория тадқиқотини ўтказиш, реферат ёзиш, мутахассисдан интервью олиш ва ҳ.к.

Ҳар бир ўқувчи ўз дидига мос ишни танлаш мумкин. Якка тартибда ёки гуруҳда тўла мустақил равишда ёки катташарнинг маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда ишлаш мумкин. Фаолият ҳақидаги ҳисобот асосини (нима учун айнан шу савол ва ишнинг шу шакли танланганини), иш моҳиятини, олингган натижаларнинг баёнини ва уларнинг амалда кўлланилишини ўз ичига олиши лозим.

Дарс шундай тузилади:

- педагогнинг кириш сўзи;
- мактаб ўқувчиларининг ҳисоботлар билан чиқишлари;
- ўқувчиларнинг синфдошлар ва қабул комиссияси аъзоларининг (ўқитувчилар, ота-оналар, оталиқ қилувчилар, ўқувчилар таркибидан) саволларга жавоблари;
- холоса чиқариш.

Иншо дарсларини физика бўйича қўйидаги ўтказиш мумкин.

Дарсдан бир неча кун олдин синфда дастурнинг қандайдир масаласига бағишлиган мавзуси ва тахминий режаси эълон қилинади. Уйда мавзуга доир дарслик параграфларини, шунингдек, энциклопедик луғатдаги, ўқиш китобидаги, журнallардаги қўшимча материалларни ўқиш таклиф этилади.

Синфда болалар иншо ёзадилар. Тахтада яна бир марта режа ёзилади, деворларга жадваллар илинади, кўргазма столига асбоблар қўйилади. Бунда ўқувчилар ўз ақл-заковатини, нафақат дарслик, балки илмий-оммабол адабиёт ва бошқа манбалар бўйича билимини кўрсатишлари лозим. Иншо одатда мавзуга доир масалаларни тузиш ва уни ечиш билан якунланади.

Физика бўйича иншо бошқача бўлиши ҳам мумкин.

Машгулотлар бошлангандан бир ой сўнг ўқитувчи болаларга физика бўйича иншо ёзишини таклиф этади.

Дарсда ўрганилган физик ҳодисалар ёки тушунчалар ҳар бир ўқувчига маълум бўлган 5–6 ҳаётий воқеаларни бир бутунликка бирлаштириш лозим бўлади. Ўртоқлари билан учрашув, саёҳат, сайр ҳақидаги ҳикоя кабилар бўлиши мумкин. Ҳодисани нафақат айтиш, балки қисқача тушунтириш орқали қандай ёритиш маҳорати ҳисобга олинади.

Бундай турдаги дарсларни мактаб режасининг бошқа фанлари, масалан, кимё бўйича ҳам ўтказиш мумкин.

Компьютер дарси компьютерлар билан жиҳозланган дисплей синфида ўтказилади. Масалан, жисмнинг қия текислик бўйича ҳаракати мавзусини ўрганишда ўқувчилар индивидуал машина тажрибасини

Ўтказишлари мумкин: компьютерлар ёрдамида улар ҳаракатнинг бутурини моделлаштирадилар, унинг кинематик ва динамик тавсифини аниқлайдилар; ўзлари дастлабки шартларни кўядилар. Жараён вариантлари жуда кўп бўлиши мумкин. Тажриба маълумотларини таҳлил қилиб, ўқувчилар ҳаракатнинг муҳим хусусиятларини (сирғанишнинг пайдо бўлиши шартларини, унинг жисм массаси ва ишқаланиш коэффициенти, текисликнинг горизонт бўлиб қиялик бурчаги билан алоқасини ва бу параметрларнинг жисм тезлиги ва тезланишига таъсирини) аниқлайди. Олинган натижалар асосида ўқувчилар жисмнинг қия текислик бўйича ҳаракатининг умумий қонуниятларини чиқарадилар.

Дарснинг тузилиши қўйидагича:

- ўй вазифасини текшириш (машина ёки анъанавий усулда) – 10 дақиқа;
- ўқитувчи янги материални ўрганишда машина ёрдамида тажриба ўтказиш учун топшириқ беради – 2–4 дақиқа.
- ўқувчиларнинг ҳаракат модели билан компьютерда ишлаши ва натижаларни дафтарга ёзиш – 17–20 дақиқа.
- ўй вазифаси – 1–3 дақиқа.

Компьютер дарсларини турли масалалар бўйича ўтказиш мумкин, лекин улар маҳсус тайёргарлик ва компьютер дастурларини талаб қиласди.

Масалан, физика дарсларида радиацион технология (уругларнинг экиш олдидан гамма нурланиши) билан танишганда 10 дақиқага мўлжаллаған компьютер дастури керак. Ўқувчилар гамма нурланишининг бир қатор қишлоқ ҳўжалиги ўсимликлари уруғларига бўлган таъсирини ўрганадилар, экиш олдидан ўстирувчи ишловнинг оптиmal дозаларини аниқлайдилар. Экранда бир тўп уруғларнинг контейнерда нурланиши, тажриба даласига сепилиши ва ўсиб чиқиши моделлаштирилади (бу аслидан олинган расмда ва графикада яхши кўринади). Сингдирилган радиация дозасига ва уруғлар сифатига боғлиқ ҳолда уларнинг униб чиқиш қобилияти қандай ўзгаришини кузатиш мумкин.

Интерфаол дарс турларидан ҳар бир ўқитувчи унумли фойдаланиб, ўқув-таълим фаолиятининг кучайишига катта таъсир ўтказиши, ўқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллаш қобилиятларини, танқидий фикрлаш малакаларини ўстиришга ва ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида камол топишларига кўмакдош бўлишлари керак.

Юқорида келтирилган дарс турлари ўзгармас қоидалар эмас. Имкон бўлса ҳар бир ўқитувчи у ёки бу дарс тури ҳақида тўлиқ тушунча

хосил қылган ҳолда ўзи ишлайдиган таълим даргоҳлари итларини ҳисобга олиб, уларга тузатиш киритиши мүмкин.

Асосий мақсад – ўқитувчининг ўз педагогик хазинасини жайта кўриб чиқишига ёрдамлашиш, янада юқори сифатли методик тұналишларга интилишини ҳосил қилиш, келгуси ўйлар, изланишлар, тажрибаларга ундашдир.

Мактаб раҳбарлари, ўкув жараёнида шаблондан чекиниш қанчалик мұхимлигини тушунтириши, дарсларнинг ноанъанавий (интерфаол) шакл ва турларини излаш ва бойитишида педагогнинг ташаббусини құллаб-қувватлаши лозим.

Ўқитувчи ўкувчининг мустақил ва мұккамал билим олиши учун мұхит яратмоғи, фан асосларини әгаллашға йұналтиromoғи, қызықиши, меҳр уйғотиши билан шүгүлланади. Ўқувчи қобилият, истеъодига яраша таълимни танлайди. Ўқиши техникаси (овоз чиқарып ўқиши, пичирлаб ўқиши, хаёлан ўқиши) га ундаиди. Ўқиған матндан конспект, матн-тезис тузиш, баҳс юритишига ўргатади. Ўқув жараёнига шу кун воқеалари, ҳаёттік жараённи олиб кириб, ўкувчи ёки талабанинг күникмасини оширади. Дидактика – шахсни шакллантиришда, дикқатини кучайтириш, түйғу, истак, заруриятни шакллантиришда мұхим рол ўйнайди. Дидактик жараён З компонентдан иборатдир:

- Ўкув жараёни:**
1. Модификация.
  2. Билиш фаолияти.
  3. Бошқариш фаолияти.

Педтехнология илмий-педагогик концепцияға асосланади. Мақсадға эришишни, дидактик, социал, педагогик, фалсафий асосларига сүянади.

Педтехнология тизими кетма-кетлик, ўзаро боғлиқлик, бир бутунлукни сақлашдир.

Педтехнологияның бошқарувчанлық, яъни таълим жараёнини режалаштириш, лойиҳалаш, диагностика қилиш, холосалаш, тузатиш киритиши имкониятлари мавжуд.

Педтехнологияның самарадорлығи, яъни таълимдан кутилган нағижага эришиш, битирувчига вақтни тежаш имконини беради.

Педтехнологияның (валидность) тасдиқланувчанлығи, яъни ишланған моделни бөшқа педагог құллагандан ҳам ўшандай самара нағижада беради.

1-босқич: ўрганиш – эсда сақлаш, эсда қолиши.

2-босқич: тушуниб олиш, ўзлаштирганини айта билиш, исбот қила олиш.

3-босқич: тадбиқ эта олиш – қоида, қонунни билиб, ундан фойдаланиш.

4-босқич: таҳдил этта билиш – хуласадаш; бир-бирига боғлаш.

5-босқич: синтез – ахборотни ижодий қайта ишлай олиш.

6-босқич: баҳо олиш – кейинги билимга қадам.

Натижә:

– ўқувчининг талаби, истаги-хоҳиши, тайёргарлиги даражасида қондирилади;

– ўқув жараёнига ўқувчининг масъулияти, бурчини ошириш;

– мустақил мутолаа қилиш, манбалардан фойдалана билиш кўникмалари;

– мустақил билимдан мустақил тасаввурга, унда мустақил фикрлашга ўргатиш;

– педагогик технология мактабдаги мавжуд бўлган кризисдан кутулишнинг ягона ва бош мезонидир.

Мустақил мутолаа қилиш, янгиликлар, ҳаётий жараёнларнинг тезкорлик билан таълим жараёнига кириши самара беради.

Таълим жараёнига янгича ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик татбиқ этилсагина таълим самараси янги босқичга кўтарилади.

Хулоса – ўқитиш пирамидаси.

5% – лекция, маъруза.

10% – ўзича ўқитиш.

20% – аудио-видео.

50% – кўргазма.

60% – баҳс мунозара (кичик гурӯҳчалар).

75% – ўқув жараёни фаолияти билан боғлаш.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари эълон қилинган.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

– таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

– таълимнинг узлуксизлиги;

– умумий ўрта, шунингдек, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

– ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишини, академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўқиши ташлашнинг ихтиёрийлиги;

– таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олицининг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашгә ягона ва табакаллаштирилган ёндашув;
- билимли ўқувчи ёки талабанинг истеъодини рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувчалигини уйгунлаштириш.

Методик-ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуаси.

**Педагогик технология** – ўқув жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ва олдиндан белгилаб кўйилган аниқ мақсад йўлидан ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган тадбирлар мажмуаси.

Ўқитувчи фаолиятидаги барча жараёнлар педагогик технологиялар дейилади. Ўқитиши тамойиллари илгари ҳам мавжуд бўлган, ҳозир эса факат янги атама билан ифодаланган. Шу сабабли, стихияни рационалга оширилган илгор методик тажрибаларни энди педагогик технология қонунларига бўйсундириш керак.

Педагогик технологиялар таснифига кўра 3 турга бўлинади:

1. Умумпедагогик технология.
2. Хусусий предметли педагогик технология.
3. Локал (маҳаллий) педагогик технология.

Методика – ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуаси.

Педагогик тизим жараёнлар, воситалар мажмуасидан иборат бўлиб, ўқувчиларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини шакллантиришга педагогик таъсир этишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширади.

Педагогик тизим компонентлари:

Таълим (тарбия) мақсади.

Таълим (тарбия) мазмуни.

Дидактик жараёнлар.

Таълим (тарбия)нинг ташкилий шакллари.

Ўқитишининг техник воситалари.

Ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги.

#### **Технологияни параметрлари.**

Кўллаш соҳаси:

барча соҳаларга.

Фалсафий асоси:

боғлиқлик.

Ривожлантиришнинг асосий омили:

социоген.

**Ўзлаштиришнинг асосий концепцияси: максималлик.**

**Шахс структурасига қаратилган: узвийлик.**

**Билиш фаолиятининг бошқариш усули: ўқитишнинг актив тизими.**

**Ташкилий шакли: синф-дарс, гурӯҳлар.**

**Болага ёндашиш: ҳамкорлик.**

**Устивбр методи: диалог.**

**Ўқувчилар категорияси: барча категориялар.**

**Таълим принциплари.** Таълим маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигидан ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир.

1). Тасвир шаклида. Масалан, илмийлик принципи фан ва ўқув предмети ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Бу ёрда илмийлик принципи тасвир орқали баён қилинган.

2). Қоида шаклида. Масалан, таълимда оддийдан мураккабга қараб борилади. Бу жумлада тушунарлилик принципи қоидаси асосланган, яъни нормалдаштирилган. Таълим принциплари қоида шаклини олaverган сари, улардан амалиётда фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгаяверади.

Мутахассислар таълим принциплари хусусиятларини, асосан, ўқитувчи фаолиятига нисбатан изоҳлашади. Шу сабабли кўпчилик дидактик қўлланмаларда «ўқитиш принциплари» ибораси ишлатиладиган. Таълим принциплари таълим жараёнларининг иккала субъектига – ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчига дахлдор. Таълимни ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига қўйиладиган таалаблар, қоидалар таълим принциплари деб айтилади.

### **Таълим қонуниятлари ва мезонлари.**

**Таълимнинг илмий бўлиш қоидалари.**

**Таълимнинг мазмуни ва изчиллиги.**

**Таълим ва тарбиянинг узвийлиги.**

**Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги.**

**Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик мезонлари.**

**Таълимда кўргазмалилик.**

**Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши.**

**Таълимда билим, кўникма ва малака мувофиқлиги.**

**Таълимда ўқувчига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.**

Янги педагогик технология таълим мазмунини шакллантирувчи, таълим тамойилларига асосланган бўлиб, у талаба шахсини тарбия-

лашга, унда касбий маҳоратни ҳосил қилишга йўналтирилгандир. Таълим жараёнининг фаоллиги, педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги муайян мавзу, фан асосларига доир назарий ва амалий билимларни чукур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятидир.

Ўқитувчининг фаол, самарали фаолияти таълим олувчи ўкувчи ёки талабаларга нисбатан йўналтирилган бўлиб, уларнинг шахсий, шунингдек, ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятими ҳисобга олган ҳолда, ўкув материалларини ўзлаштиришга қаратиласди. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлаштирди.

Дарс ва машғулотда қайси дарражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш муайян лойиҳа асосида олиб борилади. Педагогик ҳамкорлик ва педагогик жараённи андозалаштириш, таълим олувчилар гурӯҳи билан мулоқотга киришиш, бевосита мулоқот (коммуникатив ҳамкорлик) ни ташкил этиш, ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқот жараёнини бошқаришни ташкил этиш, кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш давомида мулоқот тизимини андозалаштириш каби таркибий қисмлардан иборатdir.

Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина ушбу жараённи ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради: а) фаолиятни бошқариш; б) талабалар жамоасини бошқариш. Муайян педагогик технологияни таълаш дарс ҳолатининг ўзгаришига имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширади. Шунингдек, вариантилди тарзда дарс ҳолатини ўзгартириш чораларини куришни тақозо қиласди. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнининг бошқаришга қўйилаётган талаби бўлиб, ўзлаштириш, мулоқот қилиш, фаолият кўрсатиш босқичларининг хусусияти билан боғлиқдир.

**Ривожлантирувчи** – таълим технологиясининг етакчи тамоилилари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин;

**Инкорпорация** (тизимли фаолият кўрсатиш) – асосида турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;

**Мосланувчанлик** – таълим шакли, методи ва усусларининг турли таълим муассасаларида қўлланувчанлиги;

**Уйғунык** – муайян ўкув предметига оид ўкув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакли, методи ва усуслари билан уйғун тарзда боғланиши;

**Яратувчанлик** – турли ўкув муасасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари;

**Табиийликниң ҳис этиші – шахснинг генетик ва ижтимоий жиһатларига ассоғланған қолда үқувчиларнинг үзиге хослиги, шахсий хусусиятларини ҳисобға олиш.**

Моделли технологиянинг мақияти таълим жараёнини моделлар асосида лойиҳалаштиришдан иборатдир. а). Үқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш. б). Таълимнинг муайян босқичидан боштаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугаллаган қисмларгага ажратиш. в). Ажратилган ҳар бир модел бўйича шу моделнинг үзигагина тааллуқли бўлган фаолият мазмуни ва таъсири. г). Технология мақсадини рӯёбга чиқариш учун моделли жараённи босқичма-босқич амалга ошириш. Ушбу жараёнда содир этилаётган ҳар бир ҳаракатта, яъни қўйилаётган қадамга үқув элементи сифатида қарашиб.

Үқув элементи ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: а). Фаолиятнинг аниқ элементларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар. б). Таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материал ҳақидаги мәълумотлар. в). Мақсадлар идентификацияси, яъни таълим олувчиларни ҳаракатлантирувчи мақсадлар. г). Үқув материаллари, үқув шароитини назорат қилиш инструментлари, чунончи, үқувчиларнинг кўзланған натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар. д). Тестлар, мақсад ва мантиқий натижалар.

Таълим тёхнологияси жараёнининг умумий мақсади бир неча дарражаларда ойдинлашади.

1. Таълим муассасасининг мақсади ҳамда педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси.

2. Үқув предмети (бўлим)нинг мақсади, педагог ва унинг методик фаолияти идеентификацияси.

3. Ушбу модел (үқув элементи)нинг мақсади ва унинг талабалар фаолиятидаги алоҳида моделга ҳам, унинг ташхис қилинадиган охирги натижаларига ҳам ўтказилади.

Режалаштиришнинг анъанавий методлардан таълим технологиясига ўтиш кенг қўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қиласди. а). Методик мажмуалар яратиш. б). Таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиһатдан таъминлаш. Моделли педагогик технологияни ишлаб чиқиши тартиби қўйидаги кетма-кетликдан иборат босқичларни ўз ичига олади: аналитик, концептуал, мақсадли, мазмунли ва жараёнли.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишининг аналитик босқичида, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, үқув предметлари бўйича Давлат таълим стандарт-

лари, уларда илгари сурилган гоялар асосида чиқариладиган холосалар, ёш авлодни баркамол шахс этиб шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмунини, шунингдек, тегишли машгулотнинг умумий аниқ мақсадга эришиши учун таълимнинг ташкилий, шаклини танлаш ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишнинг концептуал босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларидан назарда тутилган асосий гоялар, умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар коллежи, бакалаврият, магистратура. Таълим тизимининг таркибий босқичли қисмлари элементлари учун характерлидир.

Педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишнинг мақсадли босқичида таълим муассасаси (умумий ўрта мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи, институт ёки университети)нинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, таълим соҳалари ва ҳар бир блокдаги алоҳида олинган ўқув предмети ва фан таркибининг ифодалилиги ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни амалда қўллашнинг жараёнли босқичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ўқув фаолиятини бажаришга йўналтирилган таълим тури, таълим мезонлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва талаба ўртасидағи ўзаро ҳамкорлик ва муносаbatлар, демократик тамойиллар самара усуслари, ташкилий шакл ва таълим воситаларининг танланishiша га алоҳида ургу берилади.

Таълим натижалари таълим олувчи ўқувчи ва талабаларнинг педагогик жараёнлардан муваффақиятли ўтганлиги билан белгиланади.

Замонавий ўқитиш технологиялари мажмуавий, интеграл бўлими, узвийлик билан боғлиқ тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган қасбий кўникма ва малакалар ўрганувчилар томонидан шахсий хислатларни эгаллаш ҳамда билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган ҳолат ва ҳаракатларнинг тартиблаштирилган тўплами акс этади. Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?) мазмунини танлаш ва ишлаб чиқиш (нима?), таълим жараёнларини ташкил қилиш (қандай?), таълим метод ва воситаларининг белгиланиши (нималар ёрдамида?), шунингдек, ўқитувчилар малака даражаси (ким?), эришилган натижаларни баҳолаш методи (қандай йўл билан?) инобатга олиниши лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмуавий қўлланилиши ўқув жараёни моҳияти ҳамда унинг технологиясини белгилаб беради.

**Педагогик вазифани белгилаш:** а). Таълим мақсадларини таҳлил этиш. б). Ўқув предмети мазмунини аниқлаш. в). Ўқув предмети, ахборот тузилмасини ишлаб чиқиш. г). Ўқув элементлари тизими

күринища ифодалаш. д). Ўқитувчиларнинг ўкув элементларини ўзлаштириш даражаларини аввалдан белгилаш. е). Таълим олувчи-ларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш. Ўкув предметининг мазмуни асосидаги ўкув материалини ўзлаштирганлик. Ўкув-моддий база ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиган чегараларни белгилаш.

Педагогик технологиялар олдиндан режалаштирилган натижага эришишга йўналтирилган касбий тайёргарлик жараёнини лойихалаш муаммолини методик жиҳатдан ҳал этишга йўналтирилади.

**Педагогик технология мезонлари:** а). Шахсий фаолиятли ёндашув. б). Танқидий-ижходий фикрлаш. в). Муаммоларни ҳал этиш. г). Қарор қабул қилиш. д). Жамоада ҳамкорликни қарор топтириш.

Ёш авлодни ҳозирги замон талабларига мос равища тарбиялаш жараёнларини кенг кўламда ривожлантириш учун тегишли ташкилий тузилмалар – болалар ва ёшлар ташкилотлари ва бирлашмаларни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу бирлашмаларнинг таъсир доираси кенг бўлиб у ёш эколог, табиатшунос ва миллий хунарманд, ёш спортчи, тарихчи ва файласуф каби тўгарак ва ҳаракатларга барча ёшларни жалб этади. Энг асосий мақсад, болалар ушбу ташкилотларга ўз хоҳишлари билан қатнашишларини таъминлаш, у ердаги фаолият мазмуни ёшларимизнинг умумий ривожланишига кўмаклашсин ва охир-оқибатда, асосий стратегик мақсадимиз баркамол шахсни тарбиялаш вазифасини амалга оширишга ёрдам берсин.

Таълим-тарбия жараённада қатнашувчи барча субъектларнинг ўзаро самарали таъсирини таъминловчи механизмлар ва шарт-шароитларни яратиш. Умуман олганда, ушбу тизимнинг барча таркибий қисмлари – оила, узлуксиз таълим, маҳалла, жамоат бирлашмалари, жамғармалар мавжуд. Улар ўз ишида суст фаолият кўрсатишмоқда, ўзаро самарали таъсирчанликнинг йўқлиги асосий мақсад – баркамол шахсни тарбиялаш, янги тафаккурни вужудга келтириш, охир-оқибатда, миллий истиқбол гоясини шаклантиришдаги фаолият сусткашлик билан олиб борилмоқда.

Таълим муассасаларининг фаолиятини ижтимоий институтлар сифатида тубдан қайта кўриб чиқиши. Бунда мактаб, лицей, коллеж, институтларни нафақат илм-фан маскани, балки ҳақиқий маданий-маърифий марказларга айлантириш.

Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган талабларни тубдан қайта кўриб чиқиши, яъни педагогларнинг ўз билим савијасини янги даражага қўтаришга муносабатини ўзгартириш.

**Ўзаро ҳамкорлик педагогикаси ўқитувчи ва ўқувчи орасида ҳамфирлик, ишонч, ўзаро ёрдам, ижодий ҳамкорлик мұхитини яратади. Бу эса ўз навбатида, ёшлар томонидан ҳақиқий инсоний қадриятларнің аңглаш ва әътироф этишни кафолаттайтын.**

Ижтимоий, гуманитар фанлар, ўзбек халқы ва давлатчилеги тарихи, бадий, фалсафий, педагогик тафаккурни шаклантириши, этнография, этногенезис, адабиётшүнослик, санъатшүнослик ва бошқа фанлар бүйічә илмий тадқиқотлар савиасини тубдан ўзгартыриш, янги погонага күтаришни тақозо этади.

Ислом дини ва бошқа динларнинг гуманистик асослари борасидаги билимларини шаклантириш.

Миллий истиқбол гоясина мұхит йұналиштарини, болалар ва ёшлар учун ўқув-методик, илмий-оммабол ва бадий адабиётларнинг янги авлодини яратиш мақсадға мувофиқдир.

Мамлакат ақолисининг умумий ва қасбий маданиятини күтариш мақсадыда маданий-маърифий ишларнинг сифат даражасини яхшилаш лозимдир.

Ёш авлодни миллий истиқбол гояси, миллий-ахлоқий қадриятлар рухида тарбиялаш, шубхасиз, жисмоний ва руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш кечириш асосларини шаклантиришни назарда тутади. Ёш авлодда ҳаётий фаол, ахлоқий, инсон-парварлықнинг юксак гояларини тарбиялаш жисмоний тарбия ва спортнинг шакллари, услугуб ва воситаларини құллашнинг устивор вазифаларидир.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тарқиётининг пойдевори. Т., Шарқ, 1997.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1-т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. А. Ватан сақдагоҳ каби муқаддасдир. Т., 3-т., Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И. А. Янгина фикрлаш ва ишлаш давр талаби, Т., 5-т. Ўзбекистон, 1996.
5. Абдураҳмонов Х. Сўз эстетикаси. Т., 1981.
6. Бойназаров Ф. Қадимги дунё тарихи. Т., А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2004.
7. Бойназаров Ф. Жаҳон адабиёти. Т., Зар қалам, 2006.
8. Бойназаров Ф. Проблемы традиции и современность. М., Наука, 1990.
9. Бойназаров Ф. Образ Искандера Зулькарнайна. М., Изд. МГУ им. М. В. Ломоносова, 1991.
10. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчининг психологияси. Т., Ўзбекистон, 1999.
11. Елигулашвили Г. С. Лектор нутканинг таъсирчанлиги. Т., 1980.
15. Жӯраев Р. Ҳ., Толипов У. Қ. Педагогик фаолият, технологиялар ва маҳорат. «Узлуксиз таълим» журнали, 2003, № 2.
16. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши, Насаф, 2000.
17. Культура речи учителя. Московский государственный пед. институт, 1988.
18. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т., Шарқ, 1997.
19. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М., Знания, 1989.
20. Йўлдошев Ж.Ф., Усмаонов С. А. Педагогик технология асослари. Т., Ўқитувчи, 2004.
21. Муҳаммад Пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т., Камалак, 1991.
22. Ражабов С. Педагогика фанининг алломаси. Т., Ўқитувчи, 1992.
23. Розиқов О., Отаев С. Дидактика. Т., Фан, 1997.
24. Сайдов Т. Илгор педагогик технологиянинг мазмун-моҳиятини. «Ақлий ҳужум» усули билан ўқитиш технологияси. Т., А. Авлоний номидаги XTXҚТМОМИ, 2003.
25. Сотликов Т., Бобоҷонов Е. Оила соглом авлод бешиги. Урганч, 1994.
26. Сотликов Т. Сиз шундай буюксиз муаллим. Урганч, 2006.
27. Сайдназаров Ф., Сайдназаров И. Тарбия, одоб ва оқибат. Т., Ўзбекистон, 1991.
28. Фуломова Н. Адабиёт дарсларида илгор технологияларидан фойдаланиш. Т., РТМ, 2003.
29. Толипов Ү.Қ., Усмонбобоева М.Ҳ., Педагогик технология асослари. Т., Республика ташхис маркази, 2003.
30. Турсунпұлатов М., Бегматов Э. Ўзбек нутқ маданияти асослари. Т., 1991.
31. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Т., Шарқ, 1997.
32. Юнусов Т. Ёш ўқитувчилар билан ишлашни такомиллаштириш йўллари. Т., Ўқитувчи, 1990.
33. Янги педагогик технология: таҳтил, таъриф, мулоҳазалар. Т., РТМ, 2000.